Мўминов Абдужаббор Абдуахад ўғли

Тупроғингдан яралдим, кўрдим олам юзини,
Ўсдим олиб нафас тоза ҳаволарингдан,
Жон кирди танамга ичиб зилол сувларинг,
Охират биз кетурмиз тақдиримиз сабаб,
Сен яшарсан гўзал ватаним, заминда абад.

Минг йилдан ортиқ тарихга эга бўлган мақбарага дафн этилган авлиёларимиз Абд Айни Хўжа Ибн Абд Алжамол, Хўжа Ибн Тўра Хўжа Алуй ва Иброхим ота ҳамда маҳалламиздан ўтиб кетган фуқароларимиз руҳлари бизни ҳайирли, савобли арзимас қилаётган амалларимиздан шод бўлсин. Омин!

Мўминов Абдужаббор Абдуаҳат ўғли

Маҳаллам – ватаним маним

Иброҳим ота мақбараси

ва маҳалла фуқаролари тарихи

Тошкент - 2025

Биринчи қисм

Иброҳим ота мақбараси тарихи

Иброҳим ота мақбараси тарихи орадан минг йил ўтган бўлса ҳам аниқ маълумотга эга эмас. Иброҳим отани [949-1042] йил, Ўғиллари Аҳмад Яссавий [1103-1270] йил, дейилиши ҳам тахминий тарзда ёзилган [1,2]. Яна бир манбада Аҳмад Яссавий тўрт ёшларида онадан етим қолиб, бобоси Арслон бобо қўлида катта бўлган деб айтилади [3]. Китоблардаги Иброҳим ота, мақбаралари, Аҳмад Яссавий билан боғлиқ масалалар ҳали кўп ўрганишларни талаб этади. Ҳанузгача аниқ маълумот берувчи манба топилган эмас.



Иброҳим ота мақбараси ташқи кўриниши.

Шунга қарамасдан Иброҳим ота мақбараси кўп асрлардан бери зиёратгоҳ бўлиб келмоқда. Тарихга

чуқуррок ёндашадиган бўлсак, Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида жойлашган Иброҳим ота мақбараси, масжиди, мозори ўнинчи асрлардан олдинги даврларда ҳам мавжуд бўлганлигига асослар [3] бор. “Иброҳим ота” маҳалласи географик жойланиши нуқтаи назаридан Ипак йўлининг шимоли- ғарбий қисмида жойлашган. Бу ҳолат шимолдан, шаркдан савдогарлар, карвонлар ва меҳмонлар маҳаллада тўхтаб, дам олиб, Тошкентга кириши учун қулай бўлган. Иброҳим отадан ўтган йўл Қорасарой (қорилар саройи) кўчаси орқали Тошкенга олиб кирган. X-XI асрларда Туркистон, Сайрам, Турбот билан алоқа шу йул орқали бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Яна иккинчи йул Чуқурсой кўчаси тугаш жойидан темир йўлни кесиб ўтиб Қуйи Ҳасанбой, Юқори Ҳасанбой, Чала қозоқ ҳудуди орқали ипак йўлига уланган. Иброҳим отани мақбарага қуйилганликлари тўғрисида ҳар хил фаразлар мавжуд.

1. Шу ерда вафот этганлар ва дафн этилганлар.
2. Туркистондан ҳок тупроқлари келтирилиб кўмилган.

Мақбаранинг аниқ қурилиш вақти маълум эмас. Лекин X асрларгача қўйилган, икки авлиё инсонни дафн этилганлигини эътиборга олсак [3], унча катта бўлмаган гумбаз бўлган бўлиши мумкин.

Катта гумбаз қурилиши XV-XVI асрларга тегишли деб тахмин қилинади. 1432 йили Носир аддин Убайдулла хўжа (Хўжа Аҳрор Валий) томонидан кўп тарихий иншоотлар қурдирилади ва борлари таъмирланади. Шу даврда Иброҳим ота қабри катта мақбара кўринишига келтирилади. Асосий сабаблардан бири Исмоил ота турботли, Иброҳим ота сайрамли, Аҳмад Яссавий туркистонли мақбараларини бир қаторга қўйиш бўлган.

XVIII асрда Тошкентда ҳокимликлар келишмовчилиги бошланади. 1784 йили Юнусхўжа хукумат тепасига келади. [1790-1791] йилда мақбара ичида битта гўр пайдо бўлади. Кимники эканлиги номаълум бўлади. Шу даврда мақбара устига катта гумбаз қурдирилади [3]. 1784 йилгача бор бўлган чиллахонага тегилмайди, сақланиб қолади. Ёдгорлик бир хонали пештоқ-гумбазли макбара тархи тўғри тўртбурчакли бўйлама ўқ бўйича жанубдан шимол томонга қараб қурилган. Хона тархида девордаги нишалар унча чуқур эмас, тахмонлар ҳисобига чорсу шаклида. Хона пастгина жойлаштирилган дераза ва гумбаздаги диоганал йўналишда жойлашган тўртта кичик дарча орқали ёритилади. Хона марказида битта катта сағана, мақбаранинг бош фасадида баланд пештоқ, эшиги тепасида квадрат панжара бор. Мақбара квадрат шаклидаги пишиқ ғишт (мусулмон ғишт)дан лой қоришма билан терилган. Ғишт чоклари ганч қоришма билан текислаб чиқилган. Мақбара гумбази ёйсимон ровоқларга ўрнатилган эски асос устига қўйилган бўлиб, қадамжонинг қия томи мазкур асосни беркитиб туради. Мақбаранинг ғарб томонига чиллахона жойлашган. У ер сатҳидан 1,5 метр чуқурликка жойлашган. Маълумотларга кўра, чиллахона эски мақбара билан бир вақтда курилган. Аммо тез вайрон бўлган. Уч юз йилча бурун қайта тикланган. Чиллахонанинг ички диаметри 3 метр. Чиллахонани устки қисми текис гумбаз билан ёпилган бўлиб, у ташқаридан тупроқ билан ёпилган. Шунинг учун ташқаридан тупроқ билан текисланган дўнглик ҳосил қилади. Чиллахона гумбази ичидаги ер сатҳида жойлашган кичик дераза орқали ёритилади. Чиллахона квадрат шаклидаги пишиқ ғиштдан лой қоришма билан қурилган. Бу цилиндр шаклидаги хона бўлиб, қибла томонда унча чуқур кирмаган ровоқсимон меҳроби бор. Мақбара ва чиллахона ташқи фасадлари

қора ғишт тахламида қолдирилган, ички интерьерда ганч қоришма билан сувоқ қилинган.

Чиллахонанинг девор қисмларида кўп сўзлар ёзилган бўлиб, баъзилари емирилиб кетган. Бу сўзлар кимларгадур тегишли бўлиб, ҳар хил даврда ёзилган. Сўзларни ўнгдан чапга қараб ўқиб чиқилганда кимларга тегишлилигини аниқлаш мумкин.

Тарихчи олим Г. В. Фолькова [3] Иброҳим ота мақбараси ташқи ва ички деворларини илмий ўрганади. Ички ўнг томон деворида Араб алифбосида девор тошига ёзилган сўзлар битилганлиги маьлум бўлди. Бу сўзлар тўлиқ ўқиб бўлмас даражада, ҳарфлари емирилиб кетганлигини кўрасиз. Шунга қарамай ҳижрий 1205 йил ва кимлиги ноъмалум Абд Айни Хўжа Ибн Абд Алджамил, Хўжа Ибн Тўра Хўжа Алуй исмларини аниқлаган. Ички деворнинг чап томонида ганчга ёзилган сўзлар борлиги аниқланган. Афсус, баъзи вақт белгиси ҳамда Иброҳим ота сўзидан кейин келган сўзларни ўқишни имкони бўлмаган. Янги қаторда Иброҳим ота оталари хақиқатпарвар инсон Алмуҳаммад Хўжа мулла қори бўлганлиги қайд этилган.

Чиллахона ичи деворларида зўрба-зўр кўринадиган ёзувлар хам мавжуд. Ёзувлар турли вақтларда ёзилган бўлиб, Ҳожи муллаларни эслатади.

1. Мулла Юсуф Хўжа XVII-XVIII асрлар.
2. Алуй, Алои, Алуи-Али авлодининг тўртинчи халифаси.
3. Мулла Али Ходжа ҳижрий 1291 милодий 1874 йил.
4. Мулла Али ҳижрий 1291-1295 йил милодий 1784 йил.
5. Мулла Ша.... ҳижрий 1201 милодий 1784 йил.
6. Мулла Муртаза Муҳаммад....
7. Мулла.... ҳижрий 1312 милодий 1894 йил.

8. Мулла Абдураҳим ҳижрий 1289 милодий 1872 йил.
9. Мулла Аҳмад....Ҳожи ҳижрий 12....
10. Мулла Акбар Хўжа ҳижрий 1202 милодий 1786\7 йил.
11. Мулла Абу Абдаллоҳ....
12. Мулла... ҳижрий 1284 милодий 1867йил.
13. Мулла Абу..... ҳижрий 1200 милодий 1784-1793 йил.
14. Мулла Абдуллоҳ ҳижрий 1285 милодий 1868 йил.
15. Мулла.... ҳижрий 1224 милодий 1809 йил.
16. Мулла Аҳмад камбағал....

Чиллахона кириш қисми теппасига икки инсоннинг номи ёзилган – Абд Айни ва Иброҳим Хўжа. Пештоқига ёзилган бўлганлиги учун шу икки инсонлар лаҳадга қўйилган бўлса керак, деган хулосага келинган.

Ўнг томонидаги сўзлар олдинроқ ёзилганлигини эътиборга олсак, Абд Айни Хўжа Ибн Алджамол, Хўжа Ибн Хўжа Ауи муллалар, Иброҳим отадан олдин қўйилганлиги айтилади. Чунки мақбаранинг ички қисми узунлиги 5,35 метр бўлиб иккита қабр борлиги кўриниб турибти. Пештоқ тепа қисмига усталарнинг номи ёзилмайди деб қаралса, у ҳолда қабрлар авлиёларга тегишли бўлиши мумкин. Яна бир тахмин – номлари кўп келтирилган мулла, хўжалар Иброҳим отани Ҳаж сафаридан қайтганда навбатда турган муллалар бўлса керак деб тахмин қилинади. Чунки ўша даврда авлиё хўжалар ҳурмати шу тариқа юқори кутилар экан. Номлари кўрсатилган, ҳожилар, муллалар Абу Айни Хўжа Ибн Алджамол, Хўжа Ибн Хўжа Алуи ҳамда Иброҳим отанинг зиёратига келган халифанинг тўртинчи авлод вакиллари бўлиши мумкин, ёзув йиллари ҳижрий [1201-1313] йил, милодий [1784-1897] йиллар бўлгани учун шундай тахминий хулоса қилинди.

Авлиёлар фазилатлари. Фахрутдин Али Сафийнинг “Рашоҳат айн ал-ҳаёт” [5] китобида қуйидаги сатрлар келтирилади. Биз ёш Хўжа (Аҳрор Валий) нинг кечалари қабристон, мозор ва мақбараларни кезиб юрганлиги хақида хикоя қилувчи саҳифаларга дуч келамиз. Али Софий ўз асарида Хўжа Аҳрорнинг ўша вақтда Тошкентда мавжуд бўлган барча мозор ва қабристонларда бўлганлиги тўғрисида маълумотлар беради, Хўжа тунлари уйидан чиқиб кетиб Абу Бакр Коффол Шоший, Шайх Ҳованда Тоҳур, Хўжа Иброҳим Кимёгарий, Шайх Зайнитдин Орифхон ва бошқа авлиёларнинг мозорлари олдида ўлтириб чиқар эканлар. Бир куни хизмат юзасидан Мавлоно Низомиддин, Иброҳим ота мозорларини ёнига келиб ўтириб, кейин тураётганларида бу қабр кимёгарники экан деб айтган эканлар. Яна бир кун Ва ул Шайх Зайнуддин Куйи Орифонни қабрларида ўлтириб катта билимли уламолардан экан, деб айтган эканлар.

Айтишларича, Иброҳим ота гиёҳлар билан озуқланган ва кам овқат истеъмол қилган эканлар. Ўта камсуқум, меҳрли инсон бўлган эканлар. Қизил рангни хуш кўрар эканлар. Иброҳим ота пайғамбаримиз (с.а.в) ҳадисларини ва Қуръонни туяда Тошкентга олиб келган намояндалардан саналар эканлар. Дунёвий ва диний илмларни, кимё, табибликни эгаллаган эканлар. Самовий илм соҳиби ҳисобланганлар.

Иброҳим ота чиллахонадан Қорасаройгача ер ости йўлларини қурдирган эканлар. Бунга сабаб (қорасарой эмас) қорилар саройи шу ерда бўлган тахминлар бор. Тахминий тасдиқловчи мисол, қорилар саройи бекати чап томонида кичик мақбара бор. Шу мақбара ёнида ҳовлиси катта, қай вақтда қурилганлиги номаълум бир қаватли бинони ёшлигимизда кўрганмиз. Мақбарани дўстимнинг Рустамнинг буваси қурдирган эканлар. Рустамнинг ҳовли-

си мақбара билан ёнма-ён эди. Рустам раҳматли Аҳматжон акамизни божаси эди. Рустамни буваси илмли инсон бўлган эканлар.

Ер ости йўли Ҳазрати Имомга (Ҳастимомга) ва эски шаҳаргача давом этган деб эшитганмиз. Эски шаҳар бозори қайта қурилиши вақтида ер ости йўли чиққанини 1960 йилларда кўрган эдик.

Иброҳим ота халқ тинчлиги йўлида хизмат қилганликлари манбаларда келтирилади. Табобат илми билан кўп шуғулланган эканлар. Оғир касалларни ҳам даволаган эканлар. Ўз даврининг луқмони ҳакими бўлганлар. Эрта баҳордан кеч кузга қадар гиёҳлардан териб дори-дармон тайёрлар эканлар. Бош оғриғи, томир оғриғи беморлари кўп шифо топган экан.

Иброҳим ота ёдгорлигини 1985 йилда ўрганган олимларга катта раҳмат айтса арзийди. Қарийб 1000 йил ўтгандан сўнг мақбара тўғрисида уни ички ва ташқи қисмларини илмий изланиш асосида маълумот олинган. Бироқ Иброҳим ота тўғрисида деворда етарли маълумот чиқмаганлиги одамни ўйлантиради. Бундай маълумот ички деворнинг қайсидир биринчи сувоғи тагида ёзилган бўлиши мумкин, деган хулосага келинган. Вақти келиб мақбара яна чуқурроқ ўрганилса, авлиё Иброҳим ота тўғрисидаги тахминларга жавоб чиқса керак деб ўйлайман.

Хулоса қилиб қуйдагиларни айтиш мумкин:

1. Иброҳим ота мақбараси биринчи қурилмаси унча катта бўлмаган ва унинг ичига тўққизинчи аср, яъни авлиё отамиздан олдин Абд Айни Хўжа Ибн Абд Алджамол ҳамда Хўжа Ибн Тўра Хўжа Алуй исмли инсонлар қўйилган.

2. Иброҳим ота кейинроқ қўйилганлиги илмий ўрганишлар асосида аниқланди.

3. Тўртинчи қабр [1790-1791] йиллар Юнус Хўжа Тошкент ҳукумати тепасига келгандан сўнг (1780 йил) қўйилган бўлиб у кимлиги номаълум бўлиб қолди.

4. Мақбара ички деворлари сувоқлар тагида XVII-XVIII асрларга тегишли ёзувлар топилди. Ёзувларни илмий ўрганиш асосида Иброҳим отанинг тўртинчи авлодлари эканлиги аниқланди.

5. Иброҳим отанинг тўртинчи авлод вакиллари турли йилларда авлиё отанинг зиёратига келганлиги маьлум бўлди.

6. Иброҳим ота мақбараси тузилиши, геграфик ўрни, қачон таъмирланганлиги, гумбаз катталаштирилган [1790-1791] йиллар аниқланган. Иброҳим ота авлодларини зиёратга келиши хам шу йилларга тўғри келади.

7. Минг йиллик Иброҳим ота ёдгорлиги тўғрисида юқори аниқликда эмас тахминий бўлса ҳам маълумотлар олишга биринчи маротаба эришилди.

8. Мақбара ичи сувоқлари тагида яна маълумотлар борлиги тахмин қилинмокда.

9. Иброҳим ота хақиқий авлиё эканликлари тўғрисида минг йиллардан буён зиёратчилар келганидан хам билса бўлади.

10. Иброҳим отадан олдин мақбарага дафн этилган инсонлар IX-X асрларга тегишли бўлиши мумкин. Бундай хулосага асос қабристонимизга яқин бўлган Норастепа ҳудудида ўша асрларда қабилалар яшаганлигини Иброҳим ота кўчаси бўйлаб ҳаёт бўлганлигини айтиш мумкин

11. Демак, бизнинг манзилимизга тахмин қилинишича VIII асрлардан ва ундан олдин хам келди-кетти бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

12. Иброҳим ота бизни маҳаллага келиб шу ерда яшаганлар шу ерда вафот этганлар мақбарага дафн этилганлар деган фикрлар хақиқатга яқин бўлса керак. Чунки Тошкентга келиш кўпчиликни орзуси бўлган. Бу тўғрида тарихда кўп ёзилган.

13. Иброҳим ота қабристонга келишлари бежиз бўлмаса керак. Мақбарага қўйилган икки инсон отамизнинг авлодларига тегишли бўлиши ҳам мумкин деб тахмин қилинади.

Иброҳим ота мозори тарихи

Тошкент шаҳрида қачон ва кимлар қўйилганлиги номаълум катта-кичик мозорлар кўп бўлган. Шаҳарнинг 1966 йил ер қимирлашидан кейин кичик мозорларнинг баъзилари бузилиб кетди. Баъзиларини қабр ҳоклари катта мозорларга кўчирилди. Аксарият катта мозорлар ўзининг катта тарихига эга. Катта Тошкент мозорларига Туркистон, Сайрам юртларидан баъзи авлиёларнинг ҳоклари дафн этилганлиги тўғрисида маьлумотлар мавжуд [3].

Бизни Иброҳим ота мозоримиз қай вақт ташкил этилганлиги маълум эмас. Лекин илмий изланишлар таҳлили бўйича X-XI асрдан олдин ҳам бу мозор бўлганлиги тахмин қилинади. Иброҳим ота мозори шарқий ва ғарбий қисмдан иборат. Гўрковларнинг айтишларича, шарқий тепалик қозоқлар мозори бўлиб, қозоқ миллатига мансуб инсонлар дафин қилинган. Баъзан лаҳат қазиш вақтида эски қабрлар чиқиши содир бўлар экан. Бу қабрлар ўзбек миллати қабрларига ўхшамаган бўлиб, қабр устига харсанг тош қўйилган бўлар экан. Қозоқ миллати қабрлари қачон пайдо бўлган деган савол туғилади. Иброҳим ота кўчаси тахминан X-XX асрлар оралиғида серқатнов бўлганлиги маълум. Бу кўча ипак йўли билан

Иброҳим ота мозори дарвозаси.

кичик-катта Ҳасанбой орқали келувчи зиёратчилар, савдогарлар, карвонлар Тошкентга кириши учун қулай бўлган. “Иброҳим ота” маҳалласи кичик гузар вазифасини ўтаган. Маҳалла ҳуддудида тоза сув ариғи, карвонсарой, масжид, мозор, савдо бозорчаси, мол бозор, боғ, дехқончилик маҳсулотлари етарли бўлган. Бундай имкониятлар ўша асрларда яшаш учун қулайликлар яратган. Иброҳим ота авлодлари бизнинг маҳаллага келиб қўниши бежиз эмас. Қабристондаги мақбарага қўйилган икки инсон Иброҳим ота авлодига тегишли бўлиши хам мумкин. Бу менинг фикрим. Маҳаллага келувчи зиёратчилар, карвон ҳайдовчилар, қозоқ миллатига мансуб савдогарлар баъзилари маҳалламизда ўтроқ бўлиб қолган бўлиши ҳам ҳақиқатга яқин. Кейинчалик ўзбек-қозоқ куда андачилик риштлари

боғланган. Шу воқеалар ўлароқ қозоқ миллатидан вафот этган инсонлар Иброҳим ота мозорига қўйилган. Ҳозирда ҳам ўзбек-қозоқ чатишган инсонлардан бор.

Асли ўзбеклар маҳалламизга кўчиб келиши шаҳар кенгайиши ҳисобига миллатимизнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Иккинчи ўзбеклар қўйилган тепаликдаги қабрлар тарихи кўчманчилик даврига бориб тақалса керак деб тахмин қилинади. Кўчманчи қабилалар ҳам кўчиш жараёнида ўзларига қулай жойларни танлашган. Уларнинг турмуш шароити ўтроқ халқлар турмуш шароитидан фарқли бўлиши ҳаммага маълум. Яна бир ҳолат, ҳар қандай жамиятда катта-кичик зиддиятлар бўлиб туриши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бундай низолар тарихда кўп бўлган. Баъзи кучли ўзбек-қозоқлар ўртасидаги зиддиятлар даврида ўзбекларнинг Қозоғистондаги мозорлари бузилиш даражасига бориб етган. Шу даврда ўзбек авлиёлари қабр ҳоклари Тошкент мозорларига олиб келиб кўмилган.

Иброҳим ота мозоридаги ўзбек қабрларини бир томонга қўйилиши ота-боболаримизнинг ўйлаб қилган ишлари деб ўйлайман. Миллатларнинг турмуш шароити, урф-одатлари, дунёқарашлари бир-биридан фарқ қилади. Ўзбек миллатида мозорларга бориш, ўтганларни йўқлаш, ётган қабрларини озода ва покиза тутиш, эслаб туриш ўтганларга бўлган ҳурматни бир ифодаси деб қаралади. Бундай эътибор қаратилишига “Иброҳим ота” маҳалласи ва мозорида етарли имкониятлар мавжуд.

Мозоримизда уйғур, татарлар қўйилган қабрлар хам мавжуд миллатлар аждод, авлод фарзандлари доим тозалигига қараб туришади.

Ҳозирда маҳалла кенгайиши натижасида фуқаролар сони ортиб бормоқда. Маҳалламиздан ташқари қўшни “Гулзор”, “Аҳил”, пастки “Ҳасанбой” маҳалласидан вафот

этган баъзи инсонларни Иброҳим ота мозорига дафн этилади. Шу муносабат билан мозор кенгайтирилди.

Биз ёшлигимизда эски мозор деворини кўрар эдик. Бу девор нураб кетган эди. Қай вақт кимлар томонидан урилгани номаълум эди. Бизни мактабимиз мозор ёнгинасида эди. Синфимиздан мозор ичи яққол кўриниб турар эди. 1966 йил Тошкентда кучли ер қимирлаши содир бўлди. Кўп вайроналиклар содир бўлди. Тахминан шу йиллари пахса деворлар бузилиб, пахсачи Тоживой амаки шогирдлари Жўраев Тўлаган ака, Абзал амаки ва ҳашарчилар билан янги пахса девор урилди. 1980 йиллари пахса девор ўрнига бетон девор ўрнатилди. Кейинчалик 2000 йилларда ғиштлик девор урилди.

"Иброҳим ота" маҳалласи кенгайиши фуқоролар сони ортиши муносабати билан мозоримиз чегараси жануб томон сурилди. Натижада мозоримиз тахминан икки гектарга кенгайди. Мозор ичига ободонлаштириш учун тоза сув қувурлари ётқизилди. Мозорга мустақиллик йиллари катта эътибор берила бошланди. Эски ва янги қабрлар ҳар йили бахор келиши билан тозаланиб, обод масканга айлантирилади.

Иброҳим ота масжиди тарихи

Иброҳим ота эски масжиди 1950 йиллари икки кичик хонадан иборат бўлиб, Тошпўлат тоға ҳовлиларига орқа девори туташган эди. Олди томонида катта оқ балиқ тут бўлган. Шу тут тагида баҳор пайтида ҳалим пиширилар эди. Бу тадбирларда маҳалламиз катталари бош бўлиб туришар эди. Уста Бобохон отамизни кўп хайри эҳсон қилганликларини эшитганман.



Иброҳим ота масжиди кўриниши: чап суратда кириш йўлак, ҳамда асосий бино ўнг томонда

“Иброҳим ота” маҳалласида янги оилалар пайдо бўлиши, фуқаролар кўпайиши, намоз ўқувчиларнинг ортиши муносабати билан эски мачит ўрнига янги икки этажли мачит қурилди. Олди томонига айвон қўшилди. Бу қурилишда уста Бобохон ва ўғиллари уста Эргаш акамизни ҳиссалари кўп. Бу ишлар тахминан 1980 йилларда бажарилган эди. Мозор йўлак қисмлари тепалари туника том қилиб беркитилди. Намоз, ҳайит намози ўқувчиларга қулайликлар яратилди. Мозор ўртасидаги эски шийпон замонавий этиб таъмирланди. Бу ишга маҳалламиз фуқароси Фахриддин Халилов катта ҳисса қўшди.

1991 йил мустақиллик шарофати билан 1996 йили 12 декабрь куни мачитни кенгайтириш ва таъмирлаш ишига Акромхўжа, Қодир ота томонидан усталар Ҳошимов Акбар, Ҳотам Фозилов, уларнинг ёрдамчилари бўлмиш гўрков Ниғматилла укалари Исматиллага ишни бошлаш учун фотиҳа берилди.

Маҳалла ҳудудида жойлашган катта-кичик корхоналар тўртинчи мебел корхонаси бошлиғи Тўра Назаров қурилишга катта ёрдам беришди. 1997 йили масжид айвонларига эшик ромлар ўрнатилди. Иссиқлик берувчи

системалар қурилди. Ремонт ишлари қисқа вақт ичида сифатли тугалланди. Янги замонавий таҳорат хоналари қурилди. Намоз ўқувчиларга тўлиқ имкониятлар яратилди.

Бу ишларга “Иброҳим ота” маҳалласи фуқоролар йиғини раиси Раҳмонбердиев Раҳимберди акамиз раҳнамолик қилдилар. Маҳаллани менинг ватаним деган инсонлар бу ишларга қодир. Меҳнати синганларни кўпчилиги ўтиб кетишди. Аллоҳ раҳмат қилсин. Ётган ерларини Яратган шоистаи жаннат айласин.

Бизнинг, қўшни маҳаллаларнинг фуқаролари кўпайиши намоз ўқувчилар, ҳайит намоз ўқувчилар сони ортиб бориши махалламизда янги замонавий мачит қуришни тақозо этди. Мен 1950-1960 йилларда “Иброҳим ота” маҳалласида яшаган оилаларни биламан. Шу йилларда Чуқурсой кўчасини Мойқўрғон ариғидан руҳий касалликлар шифохонасигача, шарқ томондан темир йўл чегарасигача тахминан 100 хонадон яшаган. Мустақиллик йиллари маҳалла раиси Раҳимберди акамизни ёзишларича, 1991 йил 300 хонадон яшаган. “Иброҳим ота” маҳалласидан ажралиб чиққан Гулзор махалласини 400 дан ортиқ хонадонини эътиборга олсак, 1950 йилга нисбатан хонадонлар сони 600 тага кўпайганлигини кўрамиз. Айтилган маҳалла фуқоролар сони 10000 дан ортиқни ташкил қилади. Маҳаллада намоз ўқувчилар, ҳайит намоз ўқувчилар сони ортиши муносабати билан 2023 йил янги масжид қурилишига пойдевор қўйилди. Масжид қурилиши ҳашар йўли билан амалга оширилмоқда. Қурилиш ишлари 2025 йил март ойларида тугалланиши мўлжалланмоқда.

Иброҳим ота масжиди имомлари

Масжидимизда урушдан олдин ва кейин тахминан 1970 йилларгача олий маълумотли имомлар бўлмаган. Лекин маҳалладан чиққан диний илмли инсонлар бор эди. Жума намозлари, хайри эҳсон тадбирлари, жаноза намозлари дипломсиз имомлар томонидан ўқилар эди. Мен эсимни таниган вақтимдан имомлик қилган инсонларни тахминий номларини ёзиб ўтмоқчиман.

1. Мирзажон қори.
2. Исоххўжа қори.
3. Сулаймон қори.
4. Усмон қори.
5. Раббимқул қори.
6. Абдураҳмон қори.
7. Азимжон қори.
8. Худойберди қори.

Бу қорилардан ташқари масжидимизга Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг бош имомларидан Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Абдурашид қори, Анвар қори, Раҳматилла қорилар қадам ранжида қилишган. Бир қанча жаноза намозларини ўқишган. Ҳаммалиги ўтиб кетишди, Аллоҳ раҳмат қилсин.



Жаноза ўқиладиган айвон

Янги масжидни очилиш маросимидан лавхалар



Иброҳим ота янги масжиди 1.04. 2022 - 2.03.2025 йилларда қурилиб битказилди

Ўзбекистон муслмонлар идораси вакиллари

Янги масжид ички кўриниши

Янги масжид қурилиши фидоилари

Янги масжид ходимлари

Жамоат намози тараддуди

Иккинчи қисм

Иброҳим ота фуқаролари тарихи

Кириш қисм

Ҳар бир маҳалла, қишлоқ, шаҳарнинг тарихи бўлади. У ернинг географик тузилиши, иқлими, ўсимлик дунёси, кўчалари, турли миллатга тегишли инсонлари, маданиятли-маърифатли фуқаролари бўлади.

Инсон қаерда туғилган бўлса, ўша ер ватани ҳисобланади. У инсон шу она ерида ўсади, улғаяди. Сафарга кетганида она юртини соғинади. Бизни Иброҳим ота маҳалламиз биз учун она юртимиз ҳисобланади. Бу ернинг ҳар бир қаричи, катта-кичик инсонлари, гўзал масканлари биз учун юксак қадрли.

Кўп йиллардан бери шу она юртимнинг тарихини ёзиш кўнглимдан ўтиб юрар эди. Маҳалламиз катталари, қариялари шу ниятимни амалга оширишни маслаҳат беришар эди. Айниқса, маҳалла фуқаролари раиси Раҳимберди акамиз кўп маротаба такрорлаган эдилар. Яхши ният эди. Бунга сабаб бор эди.

Биринчи сабаб, маҳалламиз авлиё Иброҳим ота номлари билан аталади. Иброҳим ота мақбараси ҳам мавжуд. Иброҳим ота шу мақбара ичига дафн этилганлар деган тахминлар ҳам адабиётларда келтирилади [3].

Иккинчидан, “Иброҳим ота” маҳалласи асосан ўзбек миллатидан ташкил топган. Бу инсонлар Тошкентнинг Ҳазрати Имом ва унга ёндош маҳаллаларидан чиқиб ўтроқ бўлиб қолган. Маданияти урф-одати асл мусулмон миллатига мансуб. Исломий билимга эга бўлган халқ. Маҳалла халқи бир-бирлари билан ўта яқин муносабатда яшайди.

Учинчидан, маҳаллада яшовчи оилалар бир-бирлари билан қуда-андачилик ришталари боғланиши асосида кўпайган. Бундай одат маҳаллада оилалар ўзаро бирдам яшашига сабаб бўлган. Маҳалламизнинг қачон ташкил топганлиги тўғрисида маълумот йўқ. Тарихини синчиклаб таҳлил қилинганда VI-VII асрларда ҳам “Иброҳим ота” маҳалласи ҳуддудида кўчманчи халқлар яшаганлиги тахмин қилинади.

Агарда Иброҳим ота яшаб ўтган даврлари [949–1042] йил, маҳалламизга қадам ранжида қилган вақтлари шу йиллар оралиғига тўғри келса, олимларни тахминлари хақиқатга яқин деб қараш мумкин.

Тўртинчидан, “Иброҳим ота” маҳалласи шимоли шарқдан Тошкентга келувчиларга дарвоза вазифасини ўтаган. Бу имконият маҳаллани ҳар томонлама ривожланишига сабаб бўлган. Аммо маҳалла ташкил топиши тахминан VI-VII асрларга бориб тақалса ҳам кичик бир тарихий маълумот берувчи китобга эга эмас.

Менинг касбим тарихчи ёки филолог эмас, шунга қарамай маҳалламни ватаним деб қараб қисқача Иброҳим ота мақбараси, мачит ва мозор ҳамда мени тарбиялаб катта қилишга ҳисса қўшган фуқаролари қисқа тарихини ёзишга жазм этдим. Менга меҳрини берган инсонларга кўпдан-кўп раҳмат айтаман. Мен маҳалладошларимни камтарона хислатларидан баҳраманд бўлиб катта бўлдим. Фуқароларимизни урушдан кейинги мураккаб ҳаётларини кўрганим қўлимдан келганича тарихни ёзишга ундади. Бошлаган ишимизга Аллоҳ мададкор бўлсин.

Маҳаллам она юртим маним

Инсоният Аллоҳ томонидан яратилиб олам юзини кўрган заҳоти атроф-муҳитни сеза бошлайди ва унга кў-

ника бошлайди. Танани муҳитга кўникиш ҳолати бир умрга вужудида сақланиб қолади. Инсон туғилган ери ватани бўлиб қолади. Бу қишлоқ, шахар бўлиши мумкин шу ерда яшайди, ўсади, улғаяди. Тоза ховосидан нафас олади. Инсонни улғайиши, катта бўлишидаги туғилган еридаги ҳар бир жараён хотирасида муҳрланиб қолади. Атрофидаги инсонларга яқин, ака-укадек бўлиб қолади. Инсон қаерга бормасин ёшликда олган ҳиссиёти ўчмайди. Киндик қони тўкилган ер умрининг охиригача сақланиб қолади. Ўзга юрт унинг учун ватан бўла олмаслигини вужуди билан сезади.

Хизмат вазифаси билан мен ўзга юртларда сафарда бўлганман. Қайтганимда самолёт эшиги очилиб ташқарига чиққанимда юртим ҳавоси танамга малҳамдек туюлар эди. Онам бағрида ётгандек унинг тафти димоғимга ураётгандек ҳис қилар эдим. Бундай ҳиссий туйғулар метис инсонларда унча сезилмас экан. Чунки бу инсонлар икки ватанда туғилган инсонлар маҳсулидир. Икки миллатнинг дунёқараши бир-бирига кўп ҳолатларда мос тушмаслиги маълум.

Она қишлоғим, шаҳрим, ватаним сўзларининг тагида чуқур мазмун бўлиши бежиз эмас. Европа давлатларида ватаним сўзини ишлатган инсонлар жуда кам. Чунки бу давлатларнинг аксарият халқи келгинди инсонлардан ташкил топган. Бир-бирига чатишиб кўпайган халқ. Соф ҳолатдаги маҳаллий инсонлар камчиликни ташкил қилади.

Юқоридагиларни келтирганим миллат тозалигини сақлашга ҳаракат қилиниши керак. Дунёга келаётган миллатимиз фарзандлари дунёқараши, урф-одатлари, фазилатлари бир-бирига мос тушмоғи лозим. Ота-боболаримиз етти пуштини суриштириш керак деб бежиз айтишмаган.

Акс ҳолда миллат йўқолиб дунёга келган фарзандлар аросатда қолади.

Мен маҳалла тарихини ёзишимда, ўтиб кетган маҳалла фидойилари ва қахрамонларини кўз олдимга келтирдим. Чунки мен маҳалладаги инсонларнинг фазилатларини анча билар эдим. Бўлиб ўтган воқеалар мени кичик бир китоб ёзишга ундади.

"Иброҳим ота" маҳалласи кўп миллатли бўлиб ўзбеклар, қозоқлар, татарлар, революциядан кейин қўшилган руслар, уйғурлар, тожиклар ва бошқа миллатларни ташкил қиларди. Асосий қисми ўзбек миллатига мансуб инсонлар эди. Маҳалладаги кўп ишлар ҳашар йўли билан бажарилар эди. Маҳаллани кексалари бош бўлиб туришар эди.

Сталин колхози тарихи

Маҳалла 1950 йиллари Сталин колхози ҳудудидига жойлашган эди. Колхознинг умумий майдони тахминан 500 гектар эди. Колхозда узумзор, олмазор, ёнғоқзор ва қишлоқ хўжалиги учун экинзорлар бор эди. Отамиз Абдуаҳат қирқинчи йиллардан бошлаб бригадир бўлиб бошқарганлар. Ёши катталар узумзорда, ёшлар экин майдонларида меҳнат қилишган. Маҳалламиз катталаридан Исмат, Латиф оталар колхоз раиси бўлиб бошқаришган. Сталин колхози асосчиси ва қурган Исмат ота бўлган. Мен 1955 йиллардан таниганим Абдужаббор, Омон, Хайдар, Тўра, Миртазоғ, Раҳмон, Турсунбой, Зариф, Тошпўлат, Мавлон, Абдураҳмон, Абдулла, Сўфи, Исоҳхўжа, Абдужамил, Жўрақори, Қодир, Муллақурбон, Мирсоат, Мирболта, Халил оталар ва бошқалар шу Сталин колхози узумзорида меҳнат қилишарди. Отамиз Абдуаҳат чамаси йигирма ёшларидан узимзор, мевазорга бригадир бўлган

эканлар. Ундан олдин “Сталин” колхози омборхонаси мудири, кассири бўлиб ишлаган эканлар. Улуғ ватан урушига вояга етган колхоз ёшларини сафарбар этилган экан. Колхоз меҳнати қариялар ва хотин-қизларга қолган экан. Колхоз ерларини, хонадонларни сув билан маҳалла ўртасидан ўтган, пастки Ҳасанбойдан кириб келган ичимлик тоза сув ариғи таъминлар эди.

Иккинчи ариқ Мойқўрғон ариғи деб аталарди. Бу ариқ Зенит корхонаси ёнидан ўтувчи тез оқар сув ирмоғи бўлиб, Сталин колхозини жанубий чегарасидан ўтиб, охири аччи сувига қўшилар эди. Кенглиги 4-5 метр, чуқурлиги 2 метрча бўлар эди.

Тошкент вилояти Калинин тумани И.В.Сталин колхози биринчи ташкилотчи раиси Усмонов Исмат ота чап томонда ҳамда иккинчи раиси Латиф ота ўнг томонда.

Маҳалламизда кўп қозоқ миллатига мансуб инсонлар яшар эди. Чунки Тошкент шаҳрининг шимоли-шарқий қисмида бизнинг маҳалла жойлашган. “Иброҳим ота” ма-

ҳалласи шарқий қисми охири пастки, юқори “Ҳасанбой” орқали ипак йўлига уланган. Бу қулайлик Қозоғистондан карвонлар кириб келишига сабаб бўлган. Кейинчалик тирикчилик учун келган қозоқлардан баъзилари ўтроқ бўлиб қолган.

Қрим татарлари [1941-1945] йиллар Сталин репрессиясида келишган. Тошкентга келган қрим татарларни бир қисми, тахминан 50 оила бизни маҳаллага тушган. Бу оилаларни отамиз Абдуаҳат колхоз узумзорига жойлаштирган эканлар. Бу боғ янги мачит ва электр подстансиясига тўғри келади. Қрим татарларини очиқ вагонларда олиб келишган экан. Отамиз Абдуаҳат боғда палаткалар қуриб жойлаштириб, кийим-кечак ва иш билан таъминлаган эканлар. Бу яхшилик меҳнатлари эвазига СССР парчалангандан сўнг юртларига қайтиш чоғларида отамдан рози-ризолик сўраб, хайрлашиб кетишди.

Колхозимиз идораси ҳозирги қўғирчоқ корхонаси ўрнида эди. Чуқурсой кўчасига параллел мажлислар зали ва кўчага қараган, тахминан энига 3 метр узунлиги 30 метрли айвонча бор эди. Пешайвонни чап бурчагида Халил ота сартарошхонаси, ўнг томонида Сабура опамизнинг озиқ-овқат дўконлари бор эди. Дўкон ёнида колхоз идорасига кирувчи дарвоза бўлган. Ҳовлида колхоз идораси олди томонида Сталин бюсти қўйилган эди. Молхона, отхона ҳовли орқа томонига жойлашган эди. Бу қурилишларга колхоз раиси Исмат ота бош бўлган эканлар.

1960 йилларда колхозлар бирлашиб, катта Охунбобоев колхози ташкил топди. Калинин районига қарар эдик. Район бўлиниб Калинин, Тошкент райони ташкил топди. Районлар тез ўзгариб кетди. Охири районимиз Олмазор деб номланди.

Исмат ота қурдирган колхоз иншоотлари [1960-1970] йилларга келиб яҳудий тадбиркорлари кичик корхоналарга айлантирди. Бир қанча вақт ишлагандан сўнг ўт кетди, вайронага айланди. Бу воқеаларни ўз кўзимиз билан кўриб ачинган эдик. Вайроналар текисланиб қўғирчоқ ишлаб чиқарувчи корхона қурилди. [2023-2024] йилга келиб қўғирчоқ корхонаси иши тўхтади. Янги иншоотлар қурилиб, бир қисми тикувчилик корхонаси, иккинчи қисми хусусий мактабга айлантирилди.

Сталин колхозини Исмат ота ташкил бўлгандан [1920-1940] йилгача бошқарган эканлар, сўнг уларни Юқори Ҳасанбой К. Маркс колхозига раис этиб тайинлашган экан. Исмат ота ўринларига Сталин колхози раиси этиб Латиф амаки сайланган эканлар. Латиф амаки [1939-1941] йили фронтга кетганлар. Урушдан қайтмаганлар. Латиф амакимиздан сўнг колхозни Муслим Тўлаганов, Тожихон, Абдумавлон, Жўра Жумабеков исмли инсонлар бошқарган.

“Иброҳим ота” маҳалласи ҳудудида 1960 йилларгача катта корхоналар бўлмаган. Кичик тери ишловчи, отларни туёқловчи корхона бор эди. Тери ишловчи корхонани новомосковскийлик Оққўрғон маҳалласи фуқароси Зиёвитдин ота бошқарганлар. Отларни тақаловчи корхонани маҳалламиз фуқароси Райим ота бошқарганлар. Маҳаллани шимолий чегарасида руҳий касалликлар шифохонаси ва Мир корхонаси ўрнида етим болалар уйи бўлган. Маҳалламиз ҳудудига Калинин районининг машина, тракторларни таъмирловчи корхона кўчиб келди. Бу тахминан [1953-1955] йилларга тўғри келади. Шу муносабат билан корхона ишчи хизматчиларига колхоз еридан турар жой қурилиши учун ер майдони ажратиб берилди. Бу ер майдони Гулзор маҳалласи 2,3,4 тор кўчаларига тўғри келади.

“Иброҳим ота” маҳалласини, Сталин колхозини Тошкент шаҳри билан бирлаштирувчи кўча Чуқурсой кўчаси бўлган. Кўчамиз тупроқли бўлган, кейинчалик [1955-1960] йилларда шағал ётқизилган. Шаҳарга қатновчи автотранспорт бўлмаган. Шаҳарга яёв, от-арава, эшак-аравада тушилар эди. Маҳаллада яшовчи Қўчқор акамизни 401 москвичлари бўлиб, гоҳида шаҳарга шу машинада тушилар эди. Автобус қатнови катта Чуқурсой бозори Ҳастимомдан кўчириб олиб келиб Мойқўрғоннинг жануб томонига тўқойлик ерига жойлаштирилгандан сўнг қўйилди. Дарвоза Чуқурсой кўчасини тезоқар суви билан Мойқўрғон ариғи ўртасида, шаҳардан келаверишда ўнг томонида эди. Чуқурсойга бозор ва машина трактор таъмирлаш корхонаси келиши муносабати билан кўчага асфалт ётқизилди. Афтобус қатнови йўлга қўйилган.

“Иброҳим ота” маҳалламиз азалдан Тошкент шаҳрига шарқий, шимолий-ғарбий томондан туташ бўлган. Бу географик ҳолат юқори қисмларда айтиб ўтганимиздек Қозоғистондан чорва кириб келишига имконият берган. Маҳалламизда молбозори бўлиб, у Шумилов станцияси яқинида эди. Тошкент молбозори Ҳастимомда эди. Карвон Шумилов станциясига олиб кирувчи Юқори-пастки “Ҳасанбой” ва Иброҳим ота кўчалари орқали кирган. Сайёҳларга, карвон ҳайдовчиларга маҳалламизда гузар, тоза ичимлик ариқ суви, чойхона, карвон саройи бўлиши келувчиларга қулайликлар яратган. Бундай ҳолат маҳалламизни турмуш шароити яхшиланишига катта ҳисса қўшган. Қозоқ миллатини маҳаллада баъзиларини ўтроқ бўлиб қолиши ва ниҳоят қозоқ мозори пайдо бўлиши ўша даврларга тўғри келади.

Тоза ариқ суви тарихи

“Иброҳим ота” маҳалласини ўрта қисмидан ўтиб, ҳудудни икки қисмга ажратиб турувчи тоза ичимлик суви ариғи тарихи ўнинчи асрларга бориб тақалиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Сабаб милодий 1205 йилга тегишли авлиё (мен шундай деб ёздим аслида кимлиги номаълум) Абд Айни Хўжа Ибн Абд Алджамол, Хўжа Ибн Тўра Хўжа Алуйи жасадлари Иброҳим ота мақбаралари ичига ўша асрда қўйилганлиги, сўнгра ўнинчи асрга келиб Иброҳим ота дафн этилганлигини назарда тутсак, тоза сув ариғидан сув ўша асрлардан оққанлигини эҳтимолга яқин деса бўлса керак. Яна бир сабаб Иброҳим ота кўчасини юқори шарқий қисмларида X-XI асрларда кўчманчи қабилалар яшаганлиги [3] маълум. Демак ўнинчи асрларда ҳам тоза сув Ҳасанбой ва ирмоғи бўлмиш “Иброҳим ота” маҳалласи ариғидан оққан дейиш мумкин. Бошқа тоза ичимлик суви манбайи бу атрофда йўқ.

Тоза сув ариғини географик ўрни ва фойдали томони, икки томони ясси тепаликка жойлашганлигидир. Бу тепалик юқори Ҳасанбойдан бошланиб тахминан иккинчи “Мойқўрғон” маҳалласида тугайди. Демак, тоза сув ариғи тахминан 25-30 километр ҳудудни сув билан таъминлаган. Тоза сув ариғи ҳозирги автомобил таъмирлаш корхонасидан ўтиб, “Коммунизм” маҳалласига кириб, сўнг тезоқар сувига пастга қуйилиб кетарди. “Коммунизм” маҳалласи ҳам неча асрлар шу ариқдан сув ичган.

Ҳасанбой тоза сув ариқлари 1000 гектарлаб ерларни, миллионлаб инсонларни асрлар давомида сув билан таъминлаган. Бу ариқларни ҳар йили баҳор келиши олдидан ҳашар йўли билан тозаланган. Колхоз ишчилари маҳалла фуқаролари сидқидилдан иштирок этган.

Кексаларимизнинг айтишларича, темир йўл қурилмасдан аввал кекса фидокор инсонларидан Пирназар ота фарзандлари Ҳақназар, Тўраназар оталар билан Пастки Ҳасанбойдан бошлаб ариқларни қазиб тозалаб, маҳаллага сув келтиришар экан.

Шайбонийхон 1451 йил туғилган. Унинг икки Абдуллохон 1, Абдуллохон 2 ўғиллари бўлиб, отасига ўхшаб Туроннинг ривожланишига катта хисса қўшишган экан. Ота вафотидан сўнг Абдуллохон 2 тахт тепасига ўтиради. Тошкент шаҳрини обод қилиш масаласига катта эътибор берган экан. Катта қилган ишларидан бири катта Зоғариқ ариғини тозалаб таъмирлаган экан. Чунки бу ариқ шаҳарнинг чекка қисмидан ўтиб, ички ва ташқи қисмини тоза ичимлик суви билан таъминловчи ҳисобланади. Бизнинг ариқ ҳам Пастки, Юқори "Ҳасанбой" орқали "Зоғариқ" ариғига уланади.

Абдуллахон 2 Тошкент шаҳри сув ариқларидан Калковуз, Ўрда ва бошқа ариқларни тозалатиб таъмирлатган экан. Агарда 1500 йилларда ариқлар тозаланиб таъмирланган бўлса. Демак, Тошкент шаҳри унинг атрофида тоза сув ариқлари тўққизинчи ўнинчи асрларда ҳам бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

Яна хам чуқурроқ мулоҳаза қилсак, авлиё Иброҳим ота келган йиллари [949-1042] йилларида хам тоза сув ариғи махалламизда бўлганлиги эхтимолга яқиндур. Чунки бизни "Иброҳим ота" маҳалласида X асрларда кўчманчи ва ўтироқ халқлар бўлган. Улар чорвачилик, боғдорчилик, деҳқончилик билан шуғулланишган. X-XI асрда қулоқчин тепада хам кўчманчи қабилалар бўлгани ва кейинчалик Хоразимшоҳ, Чингизхон томонидан вайрон қилиниб, ёқиб юборилгани манбалардан маълум [3].

Юқорида айтиб ўтганимиздек "Иброҳим ота" кўчаси пастки ва юқори "Ҳасанбой" орқали ипак йўлига уланган.

Бу йўл карвон йўли бўлиб ҳам хизмат қилган. 1950 йилларда ҳам бу йўл ва пастки “Хасанбой йўли карвон йўли бўлиб хизмат қилган. “Ҳасанбой”, Иброҳим ота ичимлик сув ариғларидан карвонлар фойдаланишган.

Энди тоза сув ариғимиз тақдири. Катта темир йўл, Шумилов тақсимловчи стансияси кенгайиши муносабати билан темир йўл тепасига қурилган сув ўтувчи қувур ва тарновлар бузилди. Натижада “Иброҳим ота” маҳалла-сидан ўтувчи тоза сув ариғи қуриди.

Мойқўрғон ариғи тарихи

Мойқўрғон ариғининг тарихи ҳам тахминан X-XI асрларга бориб тақалади. Мойқўрғон ариғи тез оқар сувидан ажралган бўлиб, унинг бошланиш қисми Зенит корхонасидан тахминан 300 метрча нарида, охири эса темир йўл тагидан ва “Иброҳим ота” ҳамда “Гулзор” маҳалласидан ўтиб Мойқўрғон бир ва икки ҳуддудида тугайди. Мойқўрғон ариғининг вазифаси пастки Ҳасан-бойдан оқиб келувчи сел ва экинзорлардан оқиб чиққан оқава сувларни ўзида ушлаб қолишдан ҳамда ўзидан паст экинзорга сувини беришдан иборат.

Мойқўрғон, тезоқар, қичқириқ сув оқувчи ариқлар бекорга қазилмаган. Бу ариқлар бир-биридан тахминан 500-1000 метр оралиқда бўлиб Тошкент шахрини айланиб ўтади ва шимол томондан келувчи сел сувларни шахарга ўтқазмай тошқиндан сақлаб қолади. Ҳозирги ҳудуди-миздаги канализациялар селларни шаҳар четига олиб чиқиб кетишга қодир эмас. Мустақиллик шарофати билан шаҳар кенгайиши, ерлар қурилишга ажратилиши муно-сабати билан Мойқўрғон ариғи бекилди. Ҳудудимиз иссиқ ҳаво иқлимига ўтди. Экология бузилди.

Маҳалла фуқаролари тарихи

Ҳар маҳалла, шу ерда туғилиб ўсган фуқаро учун она ватани ҳисобланади. Ҳамма вақт ҳар бир маҳалланинг фидоийлари, ботирлари, қаҳрамонлари, меҳрга тўла кекса отахонларию онахонлари бўлади. Дунёни қаерига борманг сизни бағрига босиб чин дилдан сўрашгучи топилмайди. Маҳалла кекса отахонлари, онахонлари, тенгқур ёшлар ўн йил ўзга юртда юриб қайтиб келсангиз ҳам бағрига босиб меҳр билан сўрашади. Инсон туғилиб ўсган ерида шоҳу гадой бўлса ҳам бегона ҳисобланмайди. Ҳар бир тирик жон, кўчаларию, бинолари, шу ер фарзандига кулиб тургандек туюлади. Шунинг учун ҳар бир фуқаро махалласи равнақи, келажаги, истиқболига жонини фидо қилишга тайёр туради.

Афсуски, бизнинг “Иброҳим ота” маҳалласи ёшлари кўплар қатори 1941 йил Иккинчи жаҳон урушига сафарбар этилган. Шундан сўнг Сталин колхозимиз меҳнати кексалару ёшларга қолган. Мен қийинчилик даврларида Сталин колхози боғларию, далаларида иссиқ-совукда, сабр-тоқат, келажакка умид билан астойдил меҳнат қилган маҳалладошларимизни тарих саҳифаларига киритишни бурчим деб билдим. Шахсан мен кекса отахонлар, онахонлар, тенгқурларим меҳридан кўп баҳраманд бўлганман. Шунинг учун “Иброҳим ота” маҳалласи фуқаросини мен ватандошим деб биламан.

1. Усмонов Аюб хўжа ота, аёллари Усмонова Лазокат. Аюб хўжа ота ва Лазокат она уч фарзандли бўлишган. Биринчи фарзандлари Усмонова Хатирахон Аюб хўжа қизи [1914-1992] йилларда яшаганлар. Иккинчи фарзандлари Усмонова Кабирахон Аюб хўжа қизи (1917-1991) йилларда яшаб ўтганлар. Учинчи фарзандлари Аюбов

Тўлаган Аюб хўжа ўғли [1928. 01. 10 – 1990. 03.31.] йиллар яшаб ўтганлар. Тўлаган акамиз ўрта мактабни тугатиб, Ўрта Осиё давлат университетининг юридик факультетини [1944-1948] йилларда ўқиб тугатганлар. Сўнгра [1953-1958] йили Ленинград шаҳрида юридик йўналиш бўйича аспирантурага кирганлар. 1961 йили юридик фанлари номзоди унвонини олганлар. Тўлаган акамиз Ўзбекистон (Оила ва фуқаролар) кодексини ёзишда иштирок этганлар. 1968 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, 1976 йилда (Знак пачета) медали билан мукофотланганлар. Аёллари Султонова Қутби Абдулла қизи, [1928.05.25-2009 01.24.] йиллар яшаб ўтганлар. Қутби она Тошкент Давлат педагогика институтини география ихтисослигини тугатганлар. Карл Маркс номли 17- ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаганлар. Бизнинг синфга ҳам дарс берган эдилар. Меҳрли ўқитувчи эдилар.

Тўлаган ота Қутпи она тўрт фарзандни катта қилишган. Аюпова Моҳира 1949 йилда туғилган. Касби инженер технолог. Аюпова Севара Тўлаган қизи 1952 йилда туғилган. Касби фармаколог. Аюпова Зуҳра Тўлаган қизи 1955 йилда туғилган. Касби болалар шифокори. Аюпов Улуғбек 1960.01.25. йилда туғилган. Касби юрист. Фалсафа фанлари доктори. 1996 йил “Шуҳрат медали”, 2006 йили “Ўзбекистон мустақиллиги нишони”, 2016 йили “Хизмат кўрсатган юрист” унвонлари билан тақдирланган.

2. Усмонов Исмат ота 1898 йил, аёллари Камолхон она 1903-1988 йили таваллуд топишган. Исмат ота колхозлаштириш ва жамият ишларида фаол иштирок этган инсонлардан бири ҳисобланадилар. Аввал айтиб ўтганимдек “Сталин” колхозини биринчи раиси ва уни қурган инсон бўлганлар ҳамда ҳалол меҳнат қилганлар. Собиқ эски шаҳар депутати ҳам бўлган эканлар.

“Кадивот” маҳалласи ободонлаштириш ишларида иштирок этган эканлар. Сталин колхозини яхши бошқарганлари учун Сталин номли кўкрак нишонини олган эканлар. Камолхон она 13-14 ёшларида Исмат отага турмушга чиққанлар ва 10 йилдан сўнг фарзандли бўлишган экан.

Биринчи фарзандлари Исматов Ўзбек Исмат ўғли [1926.02.15-1997.04.22] йилларда яшаб ўтганлар. Касблари тарих ўқитувчиси. Тошкент туманидаги 10-мактаб директори лавозимида ишлаганлар. Шуҳрат медали, Ғалабанинг 50 йиллиги, Халқ маорифи аълочиси, Иккинчи даражали меҳнат ветирани унвонлари билан тақдирланганлар. Ўзбек ота аёллари Мухтабар она билан тўрт фарзанд кўришган. Бизга тарихдан дарс берганлар. Маданияти юқори домламиз эдилар.

Исматов Эркин Исмат ўғли [1931.07.5.-2008.05.26.] йилда яшаб ўтганлар. Ўрта Осиё Давлат университетини тарих факултетини тугатганлар. Тарих фанлари номзоди унвонини олганлар. Усмон Юсупов музейини ташкил этиб нафақага чиққунга қадар директори ловозимида ишлаганлар. Аёллари Мунира она бўлиб тўрт фарзандли бўлишган.

Исматова Офтобхон Исмат қизи [1935.05.8.-2017.01.19.] йиллари яшаб ўтганлар. Ўрта Осиё фармакология институтини тугатганлар. Касблари фармаколог. Офтобхон она Мирҳомид ота билан уч фарзандли бўлишган.

Исматова Лолахон Исмат қизи [1937.03.10.-2019-02.02.] йилда яшаб ўтганлар. Тошкент Давлат Педагогика институтини тугатганлар. Касблари ўқитувчи. Олмазор туманидаги 194-болалар боғчасида педагог бўлиб ишлаганлар.

Исматов Ханжар Исмат ўғли [1938-2019.03.10.] йиллари яшаб ўтганлар. Метал савдо корхонаси бошқарув бўлимларида ишлаганлар. 1964 йили Машкура исмли қизга ўйланганлар ва олти фарзандли бўлишган.

3. Абдухалил ота “Иброҳим ота” маҳалласини яна бир фидоий вакилларидан эдилар. Абдухалил ота қалбан юмшоқ, тўғри сўз, катта-кичикни бирдай ҳурмат қиладиган инсон эдилар. Камбағалларга доим ёрдам берар эдилар. Касблари асли сартарошлик эди, лекин ёш болаларни суннат ҳам қилар эдилар. Яна бир фазилатлари тўй маросимларини бошқарар эдилар. Халил ота келмагунларича наҳорги ҳалим, тўй оши очилмас, сузилмас эди. Ошни ҳалимни тарқатишни тартибли бошқарар эдилар. Отамизни камтаринлик хислатлари учун халқ ҳурмат қилар эди.

Абдухалил отамизни сартарош хоналари колхозимиз мажлис зали ва кўча томондаги айвоннинг чап томонида эди. Ҳамма шу сартарошхонада соч-соқол олдирар эди. Колхознинг мажлис зали ёнганда сартарошхона ҳам ёниб кетди. Бу воқеаларни ўз кўзимиз билан кўрган эдик. Кичик бўлса ҳам маҳалламиз гузарининг файзи кетди.

Абдухалил ота [1900-1988] йил аёллари Ойниса буви [1907-1976] йиллар яшаб етти фарзандни катта қилишган. Биринчи фарзандлари Халилов Ҳамдам [1925.05-2015.16.11] йилларда яшаб ўтганлар. Касблари юрист бўлган. Бухоро, Ромитон суди раиси, Тошкент шаҳри Фрунзе тумани суди раиси.Тошкент шахар судида жиноий ишлар бўйича раис мовини лавозимида ишлаганлар. Бир неча йил “Гулзор” маҳалласи раиси бўлиб фаолият юритганлар. Фидоий меҳнатларини давлат томонидан бир неча марта тақдирланган. Иккинчи фарзандлари Халилов Абдужалил [1929-2004] йиллари таваллуд топганлар. Касблари шифокор. Тошкент медицина институти доценти

ҳамда санитария авиацияси врач консултанти бўлиб ишлаганлар. Учинчи фарзандлари Хақназарова Хадича (Шарипа) [1931-2001] йилларда яшаб ўтганлар. Касблари ошпаз бўлган. Тўртинчи фарзандлари Халилова Васила 1936 йил туғилганлар. Уй бекаси бўлганлар. Бешинчи фарзандлари Халилов Абдураҳмон (Абдумалик) [1939-1994] йилда таваллуд топганлар. Касблари темир йўл электроматёри. Олтинчи фарзандлари Халилова Моҳира [1941-2021] йилларда яшаб ўтганлар. Касблари шифокор. Еттинчи фарзандлари Халилова Манзура 1944 йилда туғилганлар. Касблари болалар шифокори. Шахсий клиника бош шифокори. Халил ота оиласи "Иброҳим ота" маҳалласининг ўқимишли оилаларидан бири ҳисобланади. Фарзандларнинг кўпчилиги ҳалол мехнат қилиб ўтиб кетишди. Аллоҳ раҳмат қилсин.

4. Қосимов Маҳкам Қосимбой ўғли [1884-1968.01.19] йилларда яшаб ўтганлар. Оталари Қосимбой, бувалари Иброҳим бой бўлган экан. Аёллари Робия 1977.02.24. йилда вафот этганлар.

Маҳкам ота Шумилов стансиясида темир йўлчилар бригадири бўлиб ишлаган эканлар. 1943-1944 йиллари Москва шаҳри ва вилоятлари темир йўлларини уришда бузилган қисмларини тиклашда қатнашган эканлар. Маҳкам ота Иброҳим ота маҳалласини забардаст инсонларидан эканлар. Отани сўзларини ҳеч ким қайтаролмас экан. Катта обрўга эга бўлганлар. Мен уларни яхши биламан. Маҳаллани маслаҳатчиси эдилар.

Маҳкам ота Робия она етти фарзандни катта қилишган. Биринчи фарзандлари Маҳкамов Жўра [1921.09.13-2001.08.21] йилда яшаб ўтганлар. Касблари токарь бўлиб, Тошкент экскаватор заводида ишлаганлар. 1957 йили Меҳнат қизил байроқ ордени билан мукофотланганлар. Уруш қатнашчиси бўлганлар. Ҳалол меҳнатлари эвазига

меҳнат фахрийси унвонини олганлар. Аёллари Ҳожимуҳамедова Меҳри Умар қизи [1922.03.15-2001.01.05] яшаб ўтганлар. Маҳалла почтасида меҳнат қилганлар. Жўра ота ва Меҳри она саккиз фарзандни катта қилишган. Иккинчи фарзандлари Маҳкамов Зикир бўлиб [1929-2012] йилларда яшаб ўтганлар. Касблари ҳайдовчилик бўлган. Учинчи фарзандлари Қосимов Файзи [1936-2006] йилда яшаб ўтганлар. Касблари автомобил муҳандиси. Тўртинчи фарзандлари Маҳкамов Ғозивой [1938-2024] йилларда яшаб ўтганлар. Касблари автомобил муҳандиси. Иқтисодчи доктор, профессор. Қизлари Тошпўлатова Муаззам Маҳкам қизи [1927-2001] йилларда яшаб ўтганлар. Уй бекаси бўлганлар. Бешинчи ўғиллари Маҳкамов Зокир (Ботир) [1942-2024] йиллари яшаб ўтганлар. Касблари автомобил ҳайдовчиси. Кичик қизлари Маҳкамова Матлуба Маҳкам қизи 1945 йил. Касби ўқитувчи.

5. Аҳматхўжаев Раҳматхўжа [1878-1936] йил, аёллари Отабоева Жаҳон хола [1888-1976] йил яшаб ўтишган. Улар уч фарзанд кўришган. Касблари тадбиркор аёллари уй бекаси бўлганлар. Биринчи фарзандлари Мелиева Рихси Раҳматхўжа қизи [1918-2011] йиллар яшаб ўтганлар. Касблари тикувчи бўлган. Маҳалламиздаги етим болалар уйида тикувчи, тарбиячи бўлиб ишлаганлар. Иккинчи фарзандлари Раҳматов Носиржон [1921-1988] йиллар яшаб ўтганлар. Касблари тадбиркорчилик бўлган. Колхозда ишлаб, “Меҳнат” “Шуҳрат” медали билан мукофотланганлар. Учинчи фарзандлари Раҳматов Фозил бўлиб [1927-2000] йиллар яшаб ўтганлар. Касблари тарих ва география ўқитувчиси. Ўқитувчилик қилиб бир неча ёрлиқлар олганлар.

6. Аҳмедов Қудратилла ота [1912-1978] йил, аёллари Хошимова Раҳима [1921-1978] йилларда яшаб ўтишган. Касплари темир йўл ишчиси бўлганлар. Тўрт фарзандли

бўлишган. Биринчи фарзандлари Аҳмедов Раҳматилла 1940 йилда туғилган. Касби шифокор. Аёллари Аҳмедова Зуҳра 1942 йилда туғилганлар. Касблари тикувчилик технологияси муҳандиси. Иккинчи фарзандлари Аҳмедова Насурулло 1945 йилда туғилган. Касби тепловоз машинисти. Учинчи фарзандлари Аҳмедов Ҳикматилла 1949 йилда туғилган. Касби тиш шифокори. Тўртинчи фарзандлари Аҳмедов Суҳбатилла 1958 йилда туғилган. Касби шифохона назоратчиси.

7. Раҳимов Тошпўлат 1905 йилда таваллуд топганлар. Касблари мозор гўркови. Аёллари Расулова Зуҳра уй бекаси бўлганлар. Тошпўлат тоғани оналарини исми Холапа бўлиб, бешта қиз ҳам катта қилган эканлар. Уларнинг исми Малика, Тўхтахон, Назирахон, Саврихон. Қизиғи хамма қизлар “Иброҳим ота” маҳалласига келин бўлишган. Тошпўлат тоға асли бешёғочлик бўлиб, қатағон йиллари амакилари Абдураззоқ ота Чуқурсойга оилалари билан кўчириб келган эканлар. Гўрковлик касбини Саври хола эрлари, яьни поччалари Оут отадан ўрганган эканлар. Тошпўлат тоға вафотларидан кейин касбларини фарзандлари Ҳомиджон 1935 йил, Ниғматжон [1937-2019 йил, Ҳикмат [1939-2020] йил, Исмат 1942 йил давом эттиришди. Ниғмат акамиз вафотидан сўнг ўғиллари Нусрат давом эттирмоқда. Тошпўлат тоғамизни Ҳикоят 1933 йил, Машкура 1951 йил исмли қизлари хам бор. Оиладан кўпчилик ўтиб кетишди. Аллоҳ раҳмат қилсин, қолганларга умр берсин.

8. Ниёзова Саври 1900 йилда таваллуд топганлар. Эрларини исми Абдуқодир бўлиб 1916 йилда турмуш қуришган. Саври опамиз саводни уйларида олган бўлиб, кейинчалик ишчи ёшлар мактабини битирган эканлар. Педагогика билим юртини тугатганлар. Меҳнат фаолиятларини Карл Маркс номли 17-мактаб директори вази-

фасида бошлаганлар. 1938 йили самарали меҳнатлари учун Меҳнат қизил байроқ ордени билан мукофотланган эканлар. Кўп танловлар ғолиби бўлган.




Иброҳим ота мозори гўркови Тошпўлат тоға чап томонда, ҳамда ўғиллари Ниғмат ака ўнг томонда.

Абдуқодир ота ва Саври она тўрт фарзандли бўлишган. Биринчи фарзандлари Жамила 1918 йил, Вазира 1921 йил, Шарипа 1929 йил, Вафожон 1927 йил таваллуд топишган. Вафожон акамиз медицина институтини тугатганлар. Медицина фанлари номзоди унвонини олганлар.

Мен Саври она (опойи деб атардик) қўлларида ўқиганман. Ўта меҳрли кўринишлари, майин қия қарашлари, юмшоқ муомала маданиятлари ҳар қандай инсонни ўзига тортар эди. Кўринишда салобатли эдилар. Мактабда ўз-

ларига муносиб ўринбосарлар тайёрлаган эдилар. Ҳаётларида яхши она, опа деб ном қолдирдилар. Вафожон акамиз биз ўқиган синфни ёнгинасида яшаганлар. Ҳар куни кўрар эдик. 60 йилларнинг ўқимишли йигити эдилар. Афсус, ёш оламдан ўтдилар. Оиладан кўпчилик ўтиб кетди. Аллоҳ раҳмат қилсин. Саври опа номлари ҳали кўп йиллар яшайди.

Тошкент вилояти Калинин тумани К.Маркс номли 17-ўрта мактабнинг биринчи ташкилотчиси ва директори Саври Ниёзова чап томонда, ҳамда иккинчи директори Собир Сарабоев ўнг томонда.

9. Йўлдошев Мамараҳим ота [1941-1945] йиллар урушда қатнашиб Украина фронтида вафот этганлар. Аёллари исми Муаззам эди. Маҳалла боғчасида ишлаган эдилар. Тўрт фарзандни катта қилдилар. Фарзандларининг исми Раҳимов Каримжон 1932 йил. Касблари геолог.

Геология министрлиги кадрлар бўлими бошлиғи бўлиб ишлаганлар. Раҳимов Абдулла 1934 йил, касблари шофёр. Раҳимова Нури 1938 йил, уй бекаси. Раҳимов Сайфулла 1942 йил, касблари ўқитувчи. Оиладан кўпчилик ўтиб кетди. Аллоҳ раҳмат қилсин.

10. Асилов Аҳмад [1879-1973] йилларда яшаб ўтганлар. Сталин колхози раиси бўлиб ишлаганлар. Асилов Исмат [1976-1975] йиллар яшаб ўтганлар, тадбиркор бўлганлар. Асилов Убай [1873-1943] йиллар яшаб ўтганлар. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Мурманск шаҳрида ҳалок бўлганлар. Аёлларининг исми Убаева Ойтўра бўлган. Икки фарзандли бўлишган. Убаева Инобат [1937-2020] йиллар яшаб ўтганлар. Убаев Ўткир 1942 йил. Касби муҳандислик.

11. Пирназар бува ўғиллари Тўраназар бўлган. Тўраназар ота икки Адиназар ва Абдулатиф исмлифарзанд кўрганлар. Адиназар отани аёллари Саломат, Абдулатиф отани аёллари Жамила бўлган. Пирназар ва Тўраназар ота элни етакловчи инсонлар бўлишган экан. “Иброҳим ота” маҳалласи тадбирларини керак бўлса уюштиришар экан. Айтишларича, ота-бола маҳалладан ўтадиган тоза сув ариғини тозалаш ишларида жонбозлик кўрсатишган. Халқни етаклаш, бошқариш ҳар қандай инсонни қўлидан келмайди. Маҳалланинг ҳар қандай муаммосини Пирназар, Тўраназар каби фидойи инсонлар ҳал этишган. Адиназар ота ва Саломат она Қўчқор, Башорат исмли фарзанд катта қилишган. Қўчқор акамни фарзандларини исми Жаҳонгир, Боходирб, Ҳасан, Тохир, Собир, Равшан, Насиба, Наима. Менга айниқса, Саломат (Салом хола дердик) онани меҳрлари, меҳнатлари кўп синган. Нон ёпсалар, менга атаб зоғора нон ёпиб берар эдилар. Табассум билан сўзлашар эдилар. Ҳовлимиз ёнма-ён бўлганлиги учун Салом холам бизникига кўп чиқар эдилар. Тожи бувим ва

онам Заропат билан кўп гапиришиб ўтиришарди. Қўчқор акамни катта ўғиллари Жаҳонгир ИИБ ходими бўлиб ишлаган. Нафақага чиққанидан сўнг бир неча вақт “Иброҳим ота” маҳалласи фуқаролари раиси лавозимида ишлаган. Қизиқарли томони Пирназар буванинг ҳозир 6-авлоди Жасур 1976 йил, унинг ўғли 7-авлод Жавлон, Абдуллоҳ ҳамда Саломат ўғли 8-авлод Муҳаммадёсин 2023 йил туғилди.

12. Латиф ота ва Жамила она битта ҳовли нарида туришар эди. Бу қўшнилар билан жуда аҳил яшаганмиз. Латиф ота ва Жамила она уч фарзанд катта қилишган. Уларнинг исми Ҳожия, Маҳкам, Маҳмуд. Латиф ота 1939-1941 йилларда Сталин колхозини раиси бўлганлар. Ўша вақтда армияга чақирилганлар. Урушда қатнашиб вафот этганлар. Қора хат олишган экан. Маҳмуд акамиздан бошқалар ўтиб кетишди. Аллоҳ раҳмат қилсин.

13. Мирниёз ота [1830-1890] йил касблари дехқон, ўғиллари Миртолиб ота [1860-1920] йил, ўғиллари Мирмажид ота 1893 йил таваллуд топганлар, касблари тадбиркор. Мирболта [1895-1982] йил, касблари деҳқончилик, Мирсоат 1897 йил касблари деҳқончилик. Яшаш манзиллари Эркин ака турган қўрғон бўлган.

Мирболта ота [1895-1982] йил аёллари Ҳомда она бўлганлар. Мирболта ота маҳалламизни катта отахонларидан эдилар. Касблари боғбончилик ва деҳқончилик бўлган. Ҳалол мехнат қилиб оила боқиш отамиз учун қонун бўлган. Аллоҳ таолога қайси бандангизни яхши севасиз деганларида деҳқон билан ўқитувчи бандамни деган эканлар. Кимни пули ҳалол деб савол беришганда, деҳқон ва ўқитувчиники деган эканлар.

Мирболта ота ва Ҳомда она тўққиз фарзанд катта қилишган. Исмлари Бусайда 1915 йил, Сабура 1916 йил, Мирзиёд [1918-1940] йил, Мирилёс ота [1920-2007] йил

аёллари Мапират она, Махсума, Мирғиёс ота [1926-2006] йил аёллари Хатира она, Рихси 1928 йил, Мираюб ота [1931-1994] йил аёллари Нури она, Матлуба 1935 йил.

Мирилёс ота математика ўқитувчиси бўлиб, Карл Маркс номли 17-ўрта мактабда ишлаганлар. Математик бўлсалар ҳам физикадан дарс берганлар. Мен домланинг соҳаларини эгалладим. Физика, электроника домласи бўлдим. Физика–математика фанлари номзоди унвонини олдим. Бунга сабаб домлани таъсирлари бўлса керак. Мирғиёс ўғиллари Сталин кейинчалик Охунбобаев колхозида сувчи мироб бўлганлар. Яна дехқончилик ҳам қилар эдилар оталари каби ҳалол меҳнат қилиб ўтдилар.

Ҳаётда оила, инсон яхши ёки ёмон деган ном қолдиради. Мен эсимни танигандан бери Мирболта отамизни оиласининг фақат яхши томонларини кўрдим. Эл-юртга ўрнак бўлувчи муомала ва яшаш маданиятини кўрдим. Сулоладан яхши эди деган ном қолди зурриётлари ҳам илоҳим шу номга сазовор бўлишсин.

Мирболта отамизни дала қўрғонлари олдида сув устидаги суппача устида ўтиришлари ҳали-ҳануз эсимдан кетмайди. Бундай меҳрли инсонларни топиш қийин. Аллоҳ раҳматига олган бўлсин.

14. Мирсоат ота 1897 йил аёллари Шафоат она бўлганлар. Касблари боғбончилик, дехқончилик бўлган. Беш фарзандни катта қилишган. Биринчи фарзандлари исми Мирмақсуд ота асли физика ўқитувчиси эди. Лекин бизга 17-мактабда математикадан билим берган эдилар. Бир неча вақт кечки ёшлар мактабида директор бўлиб ишлаганлар. Иккинчи фарзандлари исми Мирзаҳмад ота аёллари Махсума она бўлган. Мирзаҳмат ота қуролли кучлар шифокори, Тошкент медицина институтини тугатганлар. Подполковник унвонини олганлар. СССР қуролли кучлари шифокори бўлиб хизмат қилганлар.

Мирсоат отани Марҳамат, Фароғат, Маъмура, исмли қизлари ҳам бўлган. Кўпчилиги ўтиб кетишди. Мирмақсуд домламизни билимлари кучли эди. Аллоҳ раҳмат қилсин.

15. Холиқов Қодиржон Холиқжон ўғли [1.01 1910-2005.04.24] йилда яшаб ўтганлар. Иккинчи жаҳон уруши-да иштирок этганлар. Германияда ғалабани кутиб олган-лар. Бир қўлларига ўқ теккан экан. Аёллари Холиқова Офтобхон Комилжон қизи бўлиб [10.01.1913-10.10.1987] йиллари яшаб ўтганлар. Қодир отанинг касблари деҳ-қончилик, Офтоб онаники эса ҳисобчи бўлган. Етти фар-занд катта қилишган. Биринчи ўғиллари Қодиров Қо-билжон касблари машина ҳайдовчи эди. Иккинчи ўғил-лари Қодиров Каримжон бўлиб [02.02.1940-28.02.1994] йилларда яшаб ўтганлар. Ўқитувчи эдилар. Қизлари Қодирова Муножат [27.031943-07.07.2015] яшаб ўтганлар. Уй бекаси бўлганлар. Қодирова Раъно [27.04.1946-15.12.2006] йиллар яшаб ўтганлар. Оддий ишчи бўл-ганлар. Қодирова Рафиқа 11.07.1948 йил. Касби ҳисобчи. Қодиров Мўминжон [08.11.1948-25.10.2021] йилларда яшаб ўтган. Машина ҳайдовчи бўлган. Қодиров Мирзажон 20.08.1953 йил туғилган. Ҳайдовчи бўлиб, президентга қарашли автомобил техника таъминоти паркида бригадир, кейинчалик аппаратдаги техника назорати комиссияси бошлиғи вазифаларида хизмат қилган.

16. Абдужаббор ота “Сталин” колхозининг ҳақиқий фидоий инсони эдилар. Мен уларнинг оилаларини яхши биламан. Касблари сув қуювчи эдилар. Бригада беда-зорларини сув билан суғорар эдилар. Боғдорчилик деҳқончилик ишлари бўйича яхши маслаҳатчи бўлганлар. Боғларида узумлар ялтираб турар эди. Бизнинг уйимизда 12 улфат йиғилишиб туришар эди. Норин қилишса, гўштини Абдужаббор амаки кокил қилиб тўғрар эдилар. Характерлари юмшоқ инсон бўлганлар. Абдужаббор ота

оилали бўлиб, Раҳбар, Қутпи, Эгамберди исмли фарзандлари бўлган. Ҳаммалиги ўтиб кетишди. Аллоҳ раҳмат қилсин.

17. Тўра ота маҳалламизни кекса инсонларидан бўлиб, боғдорчилик бўйича катта тажрибага эга инсон эдилар. Боғларида чиллаки узумни яхши нави бўларди. Икки арава гўнг эвазига иккита чиллаки новдасидан отамизга берганлар. Отамизнинг қўлларида узум боғида меҳнат қилганлар. Ўзаро ҳазил қилиб туришар эди. Диний билимлари ҳам бор эди.

Тўра амакимизни олти фарзандлари бор эди. Исми Хурсанд, Онажон, Эркин, Эргаш, Йўлдош, Офтоб бўлган. Онажон опа ва Йўлдош ўқимишли бўлиб, иқтисод фанлари доктори унвонини олишган. Профессор бўлишган. Эркин ака шофёр бўлганлар. Хурсан ака, Эргаш акани кўзлари ожиз эди. Офтоб биз билан бир синфда ўқиган, турмушга чиқиб кетган. Ҳаммалиги ўтиб кетишди. Аллоҳ раҳмат қилсин.

18. Жўрақори амаки диний билимга эга эдилар. Маҳалладаги диний маросимларда тиловотлар қилар эдилар. Касблари боғбончилик эди. Отамизнинг узумчилик бригадаларида ишлардилар. Амакимиз оилали бўлиб тўрт фарзанд катта қилганлар. Уларнинг исми Ағзам – тарих ўқитувчиси, Атҳам – ҳайдовчи, Санжар – ҳайдовчи, Дилбар уй бекаси эди. Ҳаммалиги ўтиб кетишди. Аллоҳ раҳмат қилсин.

19. Райим ота. Отамиз тақачи эдилар. Тақачилик кичик корхоналари бўлиб, колхоз ва фуқароларнинг отларини тақалаб қўяр эдилар. Камтарин инсон эдилар. Раим отамизнинг Ойтўра, Тўхтавой исмли фарзандлари бўлган. Ойтўра опамиз уй бекаси, Тўхтавой акамиз тадбиркор эдилар. Уста ҳунарманд бўлганлар.

20. Абдуаҳат ота. Отамиз [1919-1992] йил, онамиз Зарофат [1923-1998] йилларда яшаб ўтишган. Сталин колхозида кассир, омбор мудири, бригадир бўлиб ишлаганлар. Онамиз уйдан бўш вақтларида колхозга чиқиб қарашган эканлар. Отамиз Абдуаҳат қарийб 30 йил бригадир бўлиб меҳнат қилдилар. Ота-онамиз олти фарзанд катта қилишди. Исмлари Раъно [1942-2017] йил яшаб ўтдилар. Касблари ўқитувчи эди. Она бошқа акамиз Абдуҳайё [1944-2020] йил. Касблари ўқитувчи. Техника фанлари номзоди. Доцент. Мен Абдужаббор 1946 йил. Касбим физик, унвоним физика-математика фанлари номзоди. Доцент вазифасида ишлаганман. Ёқут 1950 йил. Касби хамшира. Абдураззоқ 1957 йил – қурилиш муҳандиси. Абдуғани 1959 йил. Физик, Техника фанлари номзоди. Фавқулотда ҳолат вазирлиги подполковниги. Абдушукур тадбиркор. Кўпчилик ўтиб кетди. Аллоҳ раҳмат қилсин.

21.Тоживой ота катта ошпаз ҳамда пахсачи бўлган. Шогирдлари Тўлаган, Абзал акамиз билан маҳалла фуқаролари уйларини пахсасини уриб берар эдилар. Тўй маросими ва маракаларни 70-50 кг ошини ширин қилиб дамлар эдилар. Тоживой амакимиз тўрт фарзанд катта қилганлар. Исмлари Иқбол, Маҳбуба, Фаттоҳ, Жўра бўлган. Ҳаммалиги ўтиб кетишди, фарзандлари ҳаёти давом этмоқда.

22. Мавлон ота маҳалламизнинг энг кекса инсонларидан эдилар. “Сталин” колхозига кўп меҳнатлари синган инсон бўлганлар. Отам оиласи билан 1940-50-йиллари вақтинча амакимиз хонадонларида яшашган. Мен 1946 йили шу хонадонда туғилганман, шунинг учун бу оилани яхши биламан. Мавлон ота оилали бўлиб, Маҳсума, Абдулхай, Абдуқаюм, Абдухабир, Абдуқаҳҳор исмли фарзандлар катта қилганлар. Абдулхай акамиз катта

деҳқон, Абдуқаюм акамиз ички ишлар бўлимида, Абдухабир акамиз катта шифокор, Абдуқаҳҳор ҳайдовчи булиб ишлашган. Оиладан Абдухабир акам ҳаётлар 86 ёшга кирдилар. Ўтганларни Аллоҳим раҳматига олган бўлсин, қолганларга умр берсин.

23. Раҳмон ота. Раҳмон отамизнинг касблари отбоқар бўлиб, колхоз отларига қарар эдилар. Ўша даврларда отлар асосий меҳнат воситаси бўлган. Машина, тракторлар бўлмаган. Отларни бақувват бўлиши Раҳмон амакимизга боғлиқ бўлган. Амакимиз аёлларининг исми Зайнаб эди, хола дердик, уй бекаси эдилар. Раҳмон амаки Тожи бувимиз томонидан уруғ бўлганлар. Зайнаб холам Раҳимберди акамизни айтишлари бўйича нонвойчилик хам қилган эканлар. Раҳмон ота ва Зайнаб хола икки фарзанд катта қилишган. Уларнинг исми Вазира, Раҳимберди бўлган. Вазира опамиз уй бекаси, Раҳимберди акамиз тиш шифокори эдилар. Нафақага чиққунларига қадар соҳалари бўйича меҳнат қилдилар. Аёлларининг исми Ҳамида бўлиб, биология ўқитувчиси эдилар. Улар Мовлуда, Баҳодир, Алишер, Бахтиёр исмли фарзадлар катта қилишган. Улар тадбиркорлик билан шуғулланишади.

Раҳимберди акамиз бир неча йиллар “Иброҳим ота” маҳалла фуқаролари раиси бўлиб ишлаганлар. Маҳаллага кўп фойдали ишлар қилган эдилар. Маҳалла мачити ҳам шу даврда қайта таъмирланган эди. Кўпчилик оламдан ўтди, лекин Баҳодир, Бахтиёр бошланган ишларни давом эттиришмоқда. Аллоҳим фидоий бандаларини раҳим айласин. Қилаётган савобли ишларимиздан руҳлари баҳраманд бўлсин.

24. Сўпи ота. Отамизни мен яхши биламан. У дунёнинг жаннатига ким биринчи киради деса, мен Сўпи отам дердим. Сўпи ота оилалари ўта камсуқум, бугун Аллоҳ қанча берса, шунга қаноат қилиб яшайдиган оила

эди. Отам Абдуахат қулларида узумзорда меҳнат қилар эдилар. Сўпи отанинг эшиклари ёнида лойдан ясалган супача бўлар эди. Супачага эчки пўстаги тўшалган эди. Кўпинча Сўпи ота шу супача устида ухлаб ётар эдилар. Биз пешинда мактабдан қайтаётганимизда кўрар эдик. Сўпи отани дунё бойлигию ташвишлари ҳеч қизиқтирган эмас.

Сўпи отамизни Башор, Тошой исмли қизлари бор эди. Башор опамиз уй бекаси бўлганлар. Тошой опамиз фабрикада оддий ишчи эдилар. Қизиқ томони Тошой опамиз адабиётга жуда қизиққанлар. Яна бир қизиқ томони, китобларни умрларини охиригача кўзойнаксиз ўқиганлар. Менга “Абдужаббор ёзган китобларингдан олиб келиб бергин”, дердилар. Шеъриятга жуда қизиқувчан эдилар. Ситқи дилдан айтган раҳматларини кўп эшитганман. Тошапамни битта ўғиллари бор. Яхши ҳаёт кечираяпти, умри узоқ бўлсин. Оиладан ўтганларни Аллоҳ раҳмат қилсин. Ётган ерларини шоистаи жаннат айласин. Беғубор инсонлар эди.

25. Омон ота. Ҳар бир қабила, маҳалла, юртни ўз қаҳрамонлари бўлади. Омон ота “Сталин” колхозининг март ўғлонларидан бўлганлар. Колхозда бригадир бўлиб ҳам ишлаган эканлар. Нафақага чиққунга қадар колхозда меҳнат қилганлар. Кунлардан бир куни қўшни маҳалладан 70 кг катта ош қозонни олиб кетишга от-арава билан икки йигит келишган эди. Воқеа бизни эшигимиз олдида бўлгани сабабли томоша қилиб турдик. Шунда Омон ота воқеани эшитиб қаердандир етиб келдилар ва “Қозон берилмайди”, деб айтдилар. Лекин йигитлар зўрлаб олиб кетишмоқчи бўлишди. Омон амаким “Яхшиликча кетларинг”, дедилар. Йигитлар қайсарлик қилган эди, отамиз йигит зўрини белидан сиқиб ерга кўтариб бир урдилар. Йигитлар шундан сўнг отини қайтариб орқасига

қайтиб кетди. Агар отамиз зўрлик қилмаганларида қозонни олиб кетиб қолишарди. Келган йигитлар “Коммунизм” маҳалласидан эди. Омон ота ҳамма бало-қазога тайёр, курашувчи қаҳрамонимиз эдилар. Бундай воқеалар кўп бўлган. Кексаларни умрларини охиригача етаклаб юрдилар. Омон отани Ҳайит кунлари йўқлаб кирдик. У вақтда ўтириб қолган эдилар. Шунда ҳол- аҳвол сўралгандан сўнг, бир дўстлари ўлгани лекин кафанликка пули бўлмаганлигини сўкиниб гапирдилар. Кетидан “Ношуд, 40 йил ишлабсан, ҳар ойда 5 тийиндан ташлаб қўйсанг ўлармидинг”, деб куюниб гапирдилар. 80га яқинлашдим, ҳали-ҳануз қулоғимда ота сўзлари жаранглайди. Бундай шерюрак оталар камайиб бормоқда.

Омон ота оилали бўлиб, Ортиқжон, Обитжон, Эргашжон, Йўлдошжон, Машкура исмли фарзандлари бўлган. Машкура опам ҳаётлар қолганлар ўтиб кетишди. Аллох рахмат қилсин.

26. Зариф ота. Касблари қассобчилик бўлган. Кўп отбоқар эдилар. Кўча кўрган чапанча сўзлар эдилар. Бир куни қизларига икки аёл совчи бўлиб келипти. Шунда ота ташқарида ҳовуз бўйи супачасида аёллари билан ўлтирган экалар. Аёллар яқинлашгандан сўнг илтифот билан ўтқа-зибтилар. Фотиҳа ўқибдилар, сўнг аёлларга “Куёв бола ўқийдими?” дебдилар совчилар “Ўқимийди,” дейишибти, “Кўчада улфатлари борми?” дептилар, совчилар яна “Йўқ”, дебти. “Оз-моз тўйларга қатнашиб турадими?” дебтилар. Совчилар “Ҳеч қаёққа бормайди, уйда ўтиради”, дейишибти. Шунда Зариф амаки “Мен бунақа йигитларга қизимни бермайман, сизларга жавоб”, деган эканлар. 12 кекса, Зариф амакига ўхшаганлар улфатчилик қилиш-ганди. Бизни уйимизда кўп йиғилишар эди.

Зариф амаки оилали бўлганлар. Ҳакимжон, Жўра, Мавлуда исмли фарзандлари бўлган. Ҳаммалиги ўтиб кетишди. Аллоҳ раҳмат қилсин.

27. Ғаффор амаки. Ғаффор амаки ўрта бўйли, сўзини ўйлаб, чертиб-чертиб сўзлайдиган инсон эдилар. Чорвачилик ва боғдорчилик билан шуғулланганлар. Колхоз узумзори билан ёнма-ён боғ ҳовлилари бўлган. Бизнинг ёнлигида чайла ҳовлимиз бор эди. Аёллари ҳам жуда меҳрибон инсон эдилар. Мен уларни яхши танийман. Қўшничилик жуда яхши эди. Бир оиладек яшар эдик. Ғаффор ота оилали бўлиб, Рихсивой, Абдунаби, Санталат, Турсун исмли фарзандлари бор эди. Рихсивой акамиз санитария ва эпидемиология бўйича туман бошлиғи эдилар. Характерлари жуда яхши инсон эдилар. Наби акамиз асосан чорвачилик билан шуғулландилар. Ҳаммалиги ўтиб кетишди, Аллоҳ раҳмат қилсин.

28. Ҳайдар ота ва Хатира она. Касблари чорвачилик эди. Колхоз боғида ҳам меҳнат қилдилар. От боқишни яхши кўрар ва меҳр билан қарар эдилар. Юмшоқ муомала қилардилар, бақирганларини эшитган эмасман. Ҳайдар амакимнинг Муҳайё, Анвар, Аҳмат исмли фарзандлари бор эди. Ҳаммалиги оилали бўлишган. Ўзлари ўтиб кетишди. Аллоҳ раҳмат қилсин. Фарзандлари яхши яшашмоқда. Умрлари узоқ бўлсин.

29. Турсунбой ота. Турсунбой ота гавдалик мўйлов қўйган инсон эдилар. “Сталин” колхози дала мудири ҳам бўлганлар. Сўзлашсалар табассум билан сўзлар эдилар ва болам-бўтам сўзларини кўп ишлатар эдилар. Дехқончилик устаси бўлганлар. Колхоз боғида ҳам меҳнат қилган эдилар. Турсунбой ота оилали бўлиб, Тожихон, Қумрихон, Зебихон, Нурихон, Холидахон, Мавлудахон, Матлубахон, Очил, Жўра, Тўра исмли фарзандлари бўлган. Фарзандлари ичида Тўравой ўқимишли бўлиб мебел корхонасини

бошқарди. Турсунбой отамиз сулоласидан кўпчилик ўтиб кетди. Қолганларга Аллоҳим умр берсин.

30. Ҳошим ота аёллари Шарофат хола бўлганлар. Уларнинг Ҳолиқжон, Шаҳодат, Толибжон, Акбаржон исмли фарзанлари бўлган. Ҳошим ота асосан боғбончилик билан шуғулланганлар. Шафоат она уй бекаси эдилар. Толиб ва Акбар акамиз ҳайдовчи бўлишган. Ҳаммалиги ўтиб кетишди, Аллоҳ раҳмат қилсин.

31. Эшонжон ота. Эшонхўжа отанинг асл исмлари Исоххўжа бўлиб диний илмлари кучли инсон эдилар. Бир неча вақт маҳалламизнинг имоми бўлиб юрдилар. Отамиз оилали бўлиб Ҳуснилло, Сайфулло, Тожихон, Рихсихон исмли фарзандлари бўлган. Тожихон опамиз ҳаётлар, қолганлар ўтиб кетишди. Аллоҳ раҳмат қилсин.

32. Маҳамат ота. Маҳамат отамиз иморат устаси бўлганлар. Маҳалламиздаги иморатларни отамиз қуриб берар эдилар. Ўта тезкор уста эдилар. Материални яхшисини олиб кел демас, бор материалдан иморат тиклаб берардилар. Толиб акам, Акбар акам отамизнинг шогирди бўлишган. Маҳамат амаким оилали бўлиб, Тешавой, Зеби, Муҳаббат исмли фарзандлар катта қилдилар. Оиладан Маҳамат ота ва Тешавой ота ўтиб кетишди, Аллоҳ раҳмат қилсин.

33. Эшимбой ота маҳаллада қўзга кўринган инсонлардан эдилар. Катта тадбиркор бўлганлар. Пахта савдоси билан шуғулланган эканлар. Маҳаллага кўп ёрдам берган эканлар. Қўрғонларини ёнига катта ичимлик суви ҳовузи қурдирган эканлар. Ҳозир маҳалламиздаги сув ҳовузлари кўмилиб кетган. Ўрнига иморатлар солинган. Эшимбой отамиз оилали бўлиб, Анвар, Рафат, Рауф, Лала, Роуза, исмли фарзандлари бўлган. Рауф акам 1941-45 йил урушда қатнашганлар. Ҳаммалиги ўтиб кетишди, Аллоҳ раҳмат қилсин.

34. Жўра ота маҳалламизни меҳнаткаш инсони эдилар, аёллари Зуҳра она бўлганлар. Уларни Тўлаган, Эҳсон, Рустам исмли фарзандлари бўлган. Тўлаган акамиз 1941-45 йил уруши қатнашчиси. Ҳозирда Рустам акамиз 98 ёшга кирдилар, ҳали тетиклар умрлари узоқ бўлсин. Қолганлар ўтиб кетишди. Аллоҳ раҳмат қилсин.

35. Жамил ота “Сталин” колхозини меҳнаткаш инсони эдилар. Узумзорларда кўп меҳнат қилганлар. Тол пояларини эгиб, чиройли ишком ясовчи боғбон Жамил амаким эдилар. Бизни боғимизни ишкоми ва сўриларини амаким чиройли қилиб эгиб берган эдилар. Кам гап камтарин инсон эдилар. Жамил ота Маъфурат она Тўғаной, Миржалил, Миржалол, Марҳамат, Муҳаббат, Муножат исмли фарзандлар ўстиришган. Оиладан кўпчилик ўтиб кетди Аллоҳ раҳмат қилсин, қолганларга умр берсин.

36. Султон амаки. Амакимиз касплари темир йўлчи эди. Темир йўлларни қуришда қатнашганлар. Оилали бўлиб етти фарзанд катта қилганлар. Уларни исми Мамлакат, Марҳамат, Эркин, Мунира, Учқун, Раҳим, Умида бўлган. Мамлакат опам кутубхоначи бўлиб, мактабда ишлаганлар. Эркин акамиз электирик бўлиб ишлаган. Қолган қизлар уй бекаси, ўғиллар оддий ишчи бўлишган. Ўтганларни Аллоҳ раҳмат қилсин. Қолганларга умр берсин.

37. Абдулла ота касблари боғбончилик, дехқончилик бўлган. Катта узум қўрғонлари бўлган. Оилали бўлганлар Хайрулла, Шукурилла, Сайфулла, Патхилла, Қундуз исмли фарзандлар катта қилганлар. Фарзандлар касби дехқончилик бўлган. Маълум бир вақт Патхилла акамиз колхоз от аравасини ҳайдаган эдилар. Ҳаммалиги ўтиб кетишди, Аллоҳ раҳмат қилсин.

38. Усмон ота “Иброҳим ота” маҳалласи чойхонаси ва карвон саройни бошқарган эдилар. Чойхона доим

гавжум бўлар эди. Маҳалла катталарига дам олиш жойи фақат шу ер эди. Карвон ҳайдовчилар карвонсаройда қолишар эди. Усмон ота аёлларини исми Рихси бўлган. Холамиз озодаликни жуда хуш кўрар эдилар. Усмон ота Рихси она Махсума, Исроил, Исмоил, Холдор, Ҳамидулла, Шарифа, Мавлуда исмли фарзанд кўришган. Исроил ўғиллари 194-45 йиллар урушга кетиб қайтмаган. Исмоил акам пайвадчи, Ҳамидулла акам электрамонтёр бўлишган. Холдор акам оддий ишчи аёллар уй бекаси бўлган. Ҳаммалиги ўтиб кетишди, Аллоҳ раҳмат қилсин.

39. Оут ота мозоримизни тахминан 1930-40 йиллардаги гўркови бўлганлар Тошпўлат тоғанинг поччалари. Оут отани аёллари Саври она бўлган. Оут отани кўрмаганман Саври холани яхши биламан. Жуда гўзал аёл эдилар, сўзлари меҳрга тўла бўларди. Оқ кўйлак кийиб юрар эдилар. Чеҳраларида доим табассум бўларди. Кўришсалар доим майин сўрашар эдилар. Бундай аёлларни ҳозир учратиш қийин. Оут ота Саври она Баҳри, Рихси, Жамол, Камол, Махсума исмли фарзандлар катта қилишган. Ҳаммалиги ўтиб кетишди. Аллоҳ раҳмат қилсин.

40. Турсунбой ота Акбаров. “Сталин” колхозини ҳақиқий ишчиларидан эдилар. Турсунбой ота деҳқончиликни яхши билганлари учун кўп йиллар бригадир бўлиб ҳам ишлаганлар. Қовун полизларида қовунлар катта-катта бўлиб пишиб думи узилиб ётарди. Менга кўп берар эдилар. У пайтда ҳақиқий табиий ўғит солинар, қовун шунинг учун ширин бўларди. Турсунбой ота ва аёллари Раҳима она Тўхтамурод, Бахтиёр, Зарифа исмли фарзандлар катта қилишган. Тўхтамурод телевизор устаси, Бахтиёр шофёр эди. Ҳозир қизлари Зарифа қолган, қолганлар ўтиб кетишди. Аллоҳ раҳмат қилсин.

41. Ҳидоятов Мирзараҳим [1913-1987] йилда яшаб ўтганлар. Аёллари Ашурова Заҳро [1921-2001] йилларда

яшаб ўтганлар. Мирзараҳим ота 1941-45 йиллар уруш қатнашчиси бўлганлар. Уруш азоб-уқубатларини кўрган, татиган инсон эдилар. Қўлларининг курак томонидан ўқ теккан экан. Мақтаниш, неккайиш, бойлик учун қизиқиш отамиз учун бегона бўлган. Камтаринлик Мирзараҳим ота ва Заҳро онага хос бўлган хислат эди. Мен уларни яхши биламан. Улар икки фарзанд катта қилишди. Ўғиллари Мирзакарим акам 1942 йилда таваллуд топганлар. Касблари тиш шифокори, Мирзаҳаким 11.08.1950 йилда таваллуд топган. Касби тиш шифокори. Мирзараҳим ота ва Заҳро она ўтиб кетишди. Аллоҳ раҳмат қилсин. Қолганларни умри узоқ бўлсин.

42. Азимов Дўстмуҳаммад ота [1897-10.04.1967] йил аёллари Эшонжонова Муҳаррам [1903-15.01.1970] йилларда яшаб ўтишган. Дўстмуҳаммад амаким Сталин колхози узумзорларида кўп меҳнат қилганлар. Муҳаррам она уй бекаси эдилар. Ҳалол меҳнат эвазига кун кечиришган. Амаким ва холамиз ҳам юмшоқ характерли инсон бўлишган. Дўстмуҳаммат ота Муҳаррам она, Нурмат [1932.06.15.-2008.04.15.] йиллар яшаб ўтганлар. Касблари нефт база оператори бўлган. Қўчқор [1932.06.-1997.05.23.] йилларда яшаб ўтганлар. Касблари нонвой эди. Рихсивой [1936.01.05.-2016.09.28.] йил яшаб ўтганлар, Касблари шофёрлик эди. Исмат [1939.23.02.-2023.09.25.] йилларда яшаб ўтганлар. Касблари иқтисодчи. Муаззам 1942.06.05. йил уй бекаси, исмли фарзандлар катта қилишган. Оиладан кўпчилик ўтиб кетди. Аллоҳ раҳмат қилсин, қолганларга умр берсин.

43. Абдураззоқ ота авлодлари катта бўлган. Боболари исми Бобовали бўлган [1786-1866] йиллар яшаб ўтганлар. Ўн саккизинчи асрда Чимкент, Туркистон, Авлиё ота, Жамбул қалъаларини Тошкентга қўшиб олинишида аскарлар лашкар бошиси бўлган эканлар. Кўр-

сатган жасоратлари учун Қорасарой кўча тез оқар сувидан Мойқўрғон ариғи оралиғининг шарқий қисмини Қулоқчин тепа яқинигача ерларни хоким томонидан Бобовали отага берилган экан.

Бобовали отани Эгамберди [1820-1908] йилда туғилган фарзандлари бўлган. Эгамберди отанинг эса Раҳмонберди, Абдураззоқ исмли ўғиллари бўлган. Раҳмонберди амаки фарзанди Ғаффор амаки фарзандлари Рихсивой ва Наби акамиз бўлган.

Абдураззоқ ота [1870 – 1943] йил аёлларини исми Маликабону [1895-1978] йил (Марка хола деб чақирар эдик) бўлган. Тўққиз фарзанд катта қилишган. Абдувосиқ ота [1904-1967] йил, Малик 1906 йил уруш қатнашчиси бедарак йўқолган, Дилором [1908-1934] йил, Холида [1920-1992] йил, Маъфурат [1912-1997] йил, Сабура [1920-1994] йил, Рауф [1924-1963] йил. Қодир [1929-1959] йил, Вахоб [1931-1994] йил. Фарзандларнинг кўпчилиги оилали ҳаёти давом этмоқда. Ўтиб кетганларни Аллоҳ раҳмат қилсин.

44. Абдусамат ота [1900-1978] йил, аёлларини исми Ҳури (Ҳури хола дердик). Абдусамат ота кўп йиллар Сталин колхозида меҳнат қилганлар. Абдусамат амаким хайри-эҳсон, тўй-томоша йиғинларини тартибли ўтишида бош-қош бўлар эдилар. Маҳалламизни жонкуяри эдилар. Абдусамат ота Ҳури хола Шарифа [1928-2011] йил, Раҳматилла 1938 йил исмли фарзанлар катта қилишган. Шарифа опамиз ўқитувчи, Раҳматилла акамиз темир йўл транспорти муҳандиси. Миконд заводида цех бошлиғи бўлиб ишлаганлар. Абдусамат ота Ҳури хола Шарифа опа ўтиб кетишди, Аллоҳ раҳмат қилсин, қолганларга умр берсин.

45. Ибрагимов Исроил [1928-1978] йил, аёллари Тўхтахон [1930-2010] йиллар яшаб ўтишган. Исроил

акамиз ички ишлар бўлимида ишлаганлар. Унвонлари майор эди. Маҳалламиздан чиққан биринчи ички ишлар майори эдилар. Формаларини кийиб, ўта тоза ҳолатда юрар эдилар. Мактабимиз уйлари ёнида бўлгани учун Исроил акамизни ҳар куни кўрар эдик. Исроил ота ва Тўхтахон она Маъфурат, Зулхумор, Дилором, Зокир, Тоҳир, Гўзал исмли фарзандлар кўришган. Фарзандлар тинч яшашмоқда, ўтганларни Аллоҳ раҳмат қилсин.

46. Маҳкамов Солиҳ ота [1881-1944] йил, аёллари Олимова Назми она [1898-1968] йиллар яшаб ўтишган. Солиҳ ота касблари косибчилик, Назми она уй бекаси эдилар. Уларни Собир 1919 йил, касблари ҳайдовчи. Зулфи 1921 йил, уй бекаси. Суннат 1927 йил, деҳқон. Мирсодиқ 1929 йил, иморат устаси. Ҳаким 1931 йил, темир йўл ишчиси. Раҳбар 1937 йил, уй бекаси. Зокир 1939 йил, (Тоживой) ҳайдовчи, исмли фарзандлари бўлган. Солиҳ ота фарзандлари ҳалол меҳнат қилиб яшашган. Тоживой акамиз 86 баҳорни кўрдилар. Қолганлар ўтиб кетишди. Аллоҳ раҳмат қилсин.

47. Усмон қори ака маҳалламизни обрўли инсонларидан эдилар. Диний билимни, илмни яхши билар эдилар. Асл касблари иқтисодчи бўлиб, Сталин колхози ҳисоб бўлимида меҳнат қилганлар. Оилали эдилар, исмлари Ҳайбат, касблари ўқитувчи, 1941-45 йиллар урушида иштирок этганлар. Мукамбар, Мунаввар, Фатхулла касблари муҳандис, Иқбол бўлган. Иқбол опам шифокор, медицина фанлари номзоди эдилар. Кўпчилик ўтиб кетди, Аллоҳ раҳмат қилсин.

48. Бойбекова Абдулла ота аёлларини исми Малика бўлган. Абдулла акам Татар миллати фарзанди бўлиб, касблари тадбиркорчилик эди. Чуқурсой кўчасидан озиқ-овқат дўкони очган эдилар. Абдулла ота Малика она София, Дания исмли фарзандлар катта қилишди. Иккала

қизлари катта шифокор бўлишган. “Иброҳим ота” маҳалласи беморлари София ва Дания опага даволанишга чиқишар эди. Махаллага жуда кўп фойдалиги теккан эди. Хаммалиги ўтиб кетишди. Аллоҳ раҳмат қилсин.

49. Мамарасул ака аёлларининг исми Сидиқа буви бўлиб Зуҳра, Заҳро, Йўлдош, Абдулла, Жамил исмли фарзандлари бўлган. Мамарасул ака вафотларидан кейин Сидиқа буви Тошпўлат исмли Йигитга турмушга чиққанлар. Тошпўлат отадан Тешавой, Қумри исмли фарзанд кўрганлар. Тешавой акамиз олий маълумотли мактаб директори эдилар. Қумри опамиз Сталин, Охунбобоев колхозида пиллачилик бригадири эдилар. Қумри опамиз эрлари исми Ҳожиакбар Ғуломов бўлган. Ҳожиакбар ака ўқимишли бўлиб тугатгандан сўнг Самарқандда ишлаб келган эканлар. Ҳожиакбар ота Қумри она Сайдакбар, Дилбар, Эътибор исмли фарзанд кўришган. Сайидакбар акам Самарқандда туғилган эканлар, ҳайдовчилик касбини эгаллаганлар. Дилбар, Эътибор опа уй бекаси бўлишган. Сайидакбар ака 88 ёшга кирдилар, умрлари узоқ бўлсин. Қолганлар ўтиб кетишди, Аллоҳ раҳмат қилсин.

50. Муртазаев Муҳаммаджон Муртазаевич 1915 йил Тошкентда таваллуд топганлар. 1939 йил армия сафига чақирилганлар. 1941-45 йиллар уриши қатнашчиси бўлганлар. 1936 йили Маҳкамова Тўхтахон исмли қизга ўйланганлар. Тўхтахон она [1920-2020] йиллар яшаб ўтганлар. Беш фарзанд катта қилганлар. Исмлари Хайриниса [1937-1994] йил, Раҳимжон [1940-2008] йил, Раъно 1954 йил, Шоира 1956 йил, Муяссар [1960-1995] йил эди. Муҳаммаджон отамиз уруш воқеаларидан менга отамиз Абдуаҳатни кўргани келганларида сўзлаб берган эдилар. Анча қийин, азобли дамларни бошларидан кечирган

эканлар. Кўпчилик ўтиб кетди, Аллоҳ раҳмат қилсин, қолганларга умр берсин.

51. Мирпўлат ота ва Ҳомидахон онани мен яхши биламан. Чунки уларнинг қўрғон девори бизга туташган эди. Девор нураб кетганидан ҳовлилиги бизга кўриниб турар эди. Мирпўлат ота катта тадбиркор бўлганлар. Катта қўрғон, боғлари бўлган. Қўрғон ичида чорва кўп бўлиб боқилган. Мирпўлат ота саховатли инсон бўлганлар сигир сутларидан етимхоналарга, камбағал қўни-қўшниларга тарқатар эканлар. Мардикорчиликка олиниш йиллари моллардан маълум қисмини давлатга топшириб, бормай қолган эканлар. Бу таклифни ҳокимиятни ўзи қилган экан. Мирпўлат ота Ҳомидахон она тўққиз фарзандли бўлиб, уларнинг исми Мукамбар, Лутфи, Зўра, Санобар, Мухтабар, Миновар, Миракбар, Фотима, Тўхтамурот бўлган. Мирпўлат амаки фарзандлари ўтиб кетишди. Аллоҳ раҳмат қилсин.

52. Абдурасул ота ҳалол меҳнатлар эвазига оила боққан инсон бўлганлар. Аёлларини исми Фазлинисо бўлиб, беш нафар фарзанд тарбиялаганлар. Уларнинг исми Абдураҳмон [1917-1995] йил, Абдумавлон [1920-1963] йил, Абдуманноп 1924-1992 йил, Раҳима [1933-2009] йил, Назира [1938-2003] йил, эди. Абдурахмон ота касблари химия ўқитувчиси бўлган. К. Маркс номли 17-ўрта мактабда дарс берганлар. Мактаб директорлигига рози бўлмаган эканлар. 1941-45 йил уруши қатнашчиси бўлганлар. Урушда кўрсатган жасоратлари учун орден ва медаллар олганлар. Абдуманноп ота олий маълумотли бўлиб, чорвачилик фанлари номзоди бўлганлар. Ҳаммалиги ўтиб кетишди, яхши инсон деган ном қолдиришди. Аллоҳ раҳмат қилсин.

53. Жалилов Зоирхон [1927-1988] йилларда яшаб ўтганлар. 1941 йилдан комсомол етакчиси. [1962-1987]

йиллар Охунбобоев жамоа хўжалиги раиси. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими. Ҳурмат белгиси, Меҳнат қизил байроқ ордени ва медаллар совриндори бўлганлар. СССР пленуми делегати бўлиб қатнашганлар. Аёллари Жалилова Маъфират [1928-2023] йилларда яшаб ўтганлар. 1942 йилдан колхозда меҳнат қилганлар ва бир неча медаллар олганлар. Зоирхон ота Маъфират она фарзандлар катта қилишган. Уларнинг исмлари Фозилхон [1950-1991] йил, касби автомобил муҳандиси, Равшан 1952 йил касби трактор муҳандиси, Маҳмуда 1958 йил касби ўқитувчи. Халқ таълими аълочиси. Ёзувчилар уюшмаси аьзоси. Соғлом авлод учун ордени соҳиби. Авазхон 1960 йил касби иқтисодчи. Шавкат [1962-2023] йил касби ветеринар шифокор. Феруза 1964 йил шошилинч тиббий ёрдам маркази педиатори. Дилфуза 1965 йил. Тошкент тиббиёт академияси доценти. Тиббиёт фанлари номзоди.

54. Бобохон ота [1893-1975] йил касблари иморат устаси. Аёллари Ҳамида она [1910-1985] йил, уй бекаси бўлганлар. Отамизни маҳаллада қурган иморатлари кўп. Маҳалла ҳамма тадбирларида жуда фаол иштирок этардилар, ёрдам қилар эдилар. Кўп фарзандли оила эдилар. Уларнинг исми Иброҳим [1924-2000] йил, тадбиркор бўлганлар, Исмоил 1928-1989 йил, корхона завгари. Эргаш [1930-2017] йил, иморат устаси, Маҳаммаджон 1933 йил, иморат устаси, Салтанат [1938-2019] йил, ипак корхонаси кадрлар бўлими бошлиғи, Тўхтамурод 1942 йил, ўқитувчи, Абдулла [1946-2016] йил, ўқитувчи, Убайдулла 1949 йил, тадбиркор. Бобохон ота оиласи “Усталар оиласи” деб ном чиқарган. Оиладан кўпчилик ўтиб кетди. Аллоҳ раҳмат қилсин.

55. Ҳасанов Қорабой ота [1913-1942] йиллар яшаб ўтганлар. Касблари шифокор бўлган. Аёллари Ҳасанова

Раҳбар [1916-1990] йилларда яшаб ўтганлар. “Сталин” , “Охунбобоев” колхозларида ошпаз бўлиб ишлаганлар. Қорабой ота Раҳбар она фарзандлари Тўлаган 1937 йил, касблари провизор фармацевт, Санобар [1941-2011] йил, колхозда ишлаганлар.

Қорабой ота [1941-1945] йил уруши қатнашчиси бўлганлар. Боку шаҳрида ярадор бўлган эканлар. Санитар поездда кетишаётганда бомбардимон остида қолишган ва ҳалок бўлган эканлар. Қорабой ота, Раҳбар она, Санобар опамиз ўтиб кетишди. Мен уларнинг ҳаётини яхши биламан. Санобар опам кулиб-яйраб сўзлар эдилар. Ҳам-малигини Аллоҳ раҳмат қилсин, ётган ерлигини шоистаи жаннат айласин.

56. Қаюмов Абдумалик ота 1900-8.12.1980 йил, Қаюмов Зухра она 1903- 20.06.1903 йил, касблари боғбончилик бўлган. Абдумалик ота ва Зухра она тўрт фарзанд катта қилишган: Қаюмова Маъсуда 1938-2006 йил, Маликов Абдуқодир 1940-1925 йил, касби ўқитувчи, Маликова Мовлуда 1946 йил, касби ўқитувчи, Қаюмов Абдурахмон 1951 йил, касби ўқитувчи. Бу сулола ҳалол меҳнатлар эвазига яшаган оила ҳисобланади. Абдумалик ота, Зухра она, Маъсуда опа, Абдуқодир ака ўтиб кетишди. Оллоҳ раҳмат қилсин.

57. Усмонов Умар ота 1919-2002 йил, аёллари Усмонова Марҳамат она 1926-1989 йил. Умар ота 1941-1945 йилги уруш қатнашчиси бўлганлар. Урушдан сўнг омон қайтиб Сталин, Охунбобаев колхозида бригадир бўлиб меҳнат қилганлар. Марҳамат она уй бекаси эдилар. Умар ота ва Марҳамат она тўрт фарзандни катта қилишган: Акром 1955 йил, Акбар 1957 йил, Мирвали 1959 йил, Мирсаид 1964 йил. Фарзандлар ўз касблари бўйича меҳнат қилишмокда. Умар ота ва Марҳамат она ўтиб кетишди. Аллоҳ раҳмат қилсин, қолганларга умир берсин.

“Иброҳим ота” маҳалласидан Иккинчи жаҳон урушига (1941-1945) кетганлар.

Урушга кетиб қайтмаганлар.

1. Абдураззоқов Абдумалик.
2. Асилов Убай.
3. Тўраназаров Латип.
4. Ишимбаев Пуфат.
5. Тўйчиев Қодир.
6. Ҳошимов Хаким.
7. Тошпўлатов Абдулла.
8. Ҳошимов Одил.
9. Иззатуллаев Аҳрор.
10. Нишонов Иброҳимназар.
11. Мелиев Қодир.
12. Мухиддинов Комил.
13. Мажидов Қаҳҳор.
14. Юсупов Юнус.
15. Йўлдошев Файзулло.
16. Йўлдошев Маҳаматраҳим.
17. Қуломатов Нурмат.
18. Нисонов Носир.
19. Ғуломов Хожакбар.

Урушдан қайтиб келганлар.

1. Абдуғаффоров Абдулҳамид.
2. Усмонов Умар.
3. Хўжаев Усмонхўжа.
4. Умрзоқов Эркин.
5. Усмонов Ҳайдар.
6. Ризаев Наби.
7. Ризаев Қаюм.
8. Раҳмонов Абдужаббор.
9. Копанев Михаил.
10. Камарев София.
11. Ишимбаев Рауф.
12. Тошпўлатов Абдулла.
13. Тошпўлатов Тўлаган.
14. Ҳакимов Қодир.
15. Ҳамидов Абдусалом.
16. Ғаффоров Абдунаби.
17. Сирожиддинов Ҳусан.
18. Маликхўжаев Султонмурод.
19. Муртозоев Маҳамаджон.
20. Мўминов Хамитхўжа.
21. Қосимов Нортой.
22. Мухиддинов Қаюм.
23. Қодиров Абдураҳим.
24. Эрбоев Захар.
25. Адиев Қўчқор.
26. Ҳидоятов Мирзараҳим.
27. Расулов Абдураҳмон.

“Иброҳим ота” маҳалласидан чиққан олимлар

1. Аюпов Тўлаган. Юридик фанлар номзоди. Ўзбек Хизмат кўрсатган юрист.
2. Исматов Эркин. Тарих фанлари номзоди
3. Тўраева Онажон. Иқтисод фанлари доктори. Профессор.
4. Тўраев Йўлдош. Иқтисод фанлари доктори. Профессор.
5. Махкамов Ғозивой. Техника фанлари доктори. Профессор.
6. Ғофуров Анвар. Биология фанлари доктори.
7. Қодиров Вафожон. Тиббиёт фанлари номзоди.
8. Мухамедов Ғофир. Химия фанлари доктори. Профессор.Ўзбекистон Фан арбоби.
9. Усмонова Иқбол. Тиббиёт фанлари номзоди.
10. Ахатов Абдухайё. Техника фанлари номзоди. Доцент.
11. Мўминов Абдужаббор Аҳатович. Физика-математика фанлари номзоди. Доцент.
12. Аюпов Улуғбек. Фалсафа Фанлари доктори, Профессор, Хизмат кўрсатган юрист.
13. Юлдуз Ризаева. Ўзбекистон халқ артисти.

Карл Маркс номли 17-ўрта мактабнинг фидоий ўқитувчилари.

1. Исматов Ўзбек. Юрист. Тош. Вил. Халқ. Депут. Номзоди.
2. Сарабоев Собир. Математик. Директор. Улуғ Ватан Уруши қатнашчиси.
3. Юсупова Ҳакима Юсуповна. Филолог. Халқ маорифи аълочиси
4. Орипов Раҳимжон. Биолог. Улуғ Ватан Уруш қатнашчиси.
5. Мирсоатов Мирмақсуд. Физик-математик. Кечки Ёшлар Мактаби директори.
6. Мирболтаев Мирилёс. Математик-физик. Катта методист.
7. Расулов Абдураҳмон. Химик. Улуғ Ватан Уруши қатнашчиси.

Якун

Менинг фикримча, ҳар бир бу дунёда яшаётган инсон ўз юртини, қишлоғи, шаҳарини тўлиқ бўлмаса ҳам тарихини билиши керак деб ўйлайман. Чунки инсон туғилган ери, одамлари унинг учун қадрли. Дунёни айланиб келса ҳам туғилган ер фуқаролари бағрига босиб қабул қилади. Ўзга юртда қанчалик яхши бўлмасин, ўзингни бегонадек ҳис қиласан.

Мен ўзим яшаган "Иброҳим ота" маҳалласининг кўзга кўринган, халқ ҳурмат қиладиган, "Сталин" колхозини оғир меҳнатларини қилган, уруш азобларини бошидан кечирган инсонларини шу кичик бир тарихий китобга киритишни маъқул деб билдим. Бу инсонлар урушдан олдинги колхоз қурилиш даври, уруш ва кейинги қийинчилик даврларни синовидан ўтишган эди. Озиқ-овқат, кийим-кечак танқислиги, техника йўқлиги, қўл меҳнати оғирлиги, маблағ камлиги оқибатида бошпанасизлик, меҳнат ҳақи кам тўланганлиги "Иброҳим ота" маҳалласи халқининг анча қийинчиликлар кечиришига сабаб бўлди. Мен яхши эслайман, отам 40 йил колхозда бригадир бўлиб ишлаб 22 сўм 50 тийин, онам эса 12 сўм 50 тийин нафақа олишган эди. Ўша даврларда оилани очликдан сақлаган боқувдаги сигири эди. Асосан сут, қатиқ, нон, боғдан чиққан мевалар халқни асосий емиши эди. Кийим-кечакларни гоҳида галма-галдан кийилар эди.

Уйлар лойли томлардан иборат бўлиб, туника томлар йўқ эди. Уйлардан ҳар қишда сувалган бўлса ҳам чакка ўтиб ётарди. Газ бўлмаган. Ўтин ёқилар ва қўрисини танчага солинарди. Совуқ қотган оёқларимизни танчада иситиб олар эдик. Маҳалламизда турмуш 1960 йиллардан кейин яхшилана бошланди.

Юқоридаги айтиб ўтилган воқеаларни, ҳаётни ўз кўзим билан кўрганим учун ва унда яшаганим учун китобни ўқиган китобхонлар хотирасида қолар деб умид қилиб, қўлимдан келганча тарихини ёздим.

Иброҳим ота мақбарасини ўрганиш, билиш учун ҳам қорин тўқ, хотиржамлик бўлиши керак эди. Аммо шундай бўлмаганлиги сабабли тарихга қизиқиш бўлмаган. Бироқ ҳозир халқимизнинг тарихни билиш истаги қизиқиши борлигини ёзиш маълумотлар тўплаш жараёнида сездим.

Ҳозирда ёшларимизга ўқиш, билим олиш учун ҳамма нарса етарли. Замонавий ўқув-техника қуроллари, компютерлар, программали қўл телефонлари етарли. Ота-оналар фарзандлари ўқиши учун ҳамма имкониятларни яратиб беришмоқда. Чўт қоқиб математика ишлаш тарихда қолди.

Мен тарихий китобни бир хил стандартда ёза олмадим. Чунки тўпланган маълумотлар кўриниши, мазмуни турлича эди. Бир хил маълумотларни тўплаш анча мураккаб ва кўп нарсаларга боғлиқ. Шунинг учун хатоси бўлса узр сўрайман. Таклиф, мулоҳазалар бўлса қабул қиламан. Ушбу тарихий китоб маълумотларини тўплашда астойдил ёрдам берган инсонларга айниқса Қўчқоров Жаҳонгирга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Соғ-саломат, умрлари узоқ бўлсин.

Адабиётлар

1. Абдулазиз Мухамматкаримов, Асқар Обидов, Зафар Искандаров “Тошкентнинг табаррук зиёратгоҳлари”. Тошкент “Навроз 2016 йил.

2. Шавкат Азизов. “Қадим маҳаллам”. “Зилол булоқ” нашриёти.

3. Ўзбекский научно исследовательский и проектно изыскательский институт консервации и реставраций памятников културы. УзНИП реставрации г. Ташкент 1985 год.

4. Нагимбек Нурмухамедов. Мовзолей Ходжа Ахмеда Яссавий. Алма-Ата, 1980 год.

Мундаража

Биринчи қисим:

1. Иброҳим ота мақбараси тарихи.................................2
2. Иброҳим ота мозори тарихи....................................10
3. Иброҳим ота масжиди тарихи..................................14
4. Иброҳим ота масжиди имомлари..............................16

Иккинчи қисим:

5. Иброҳим ота фуқаролари тарихи..............................20
6. Кириш қисм...20
7. Маҳаллам она юртим маним.....................................22
8. Сталин колхози тарихи..23
9. Тоза сув ариғи тарихи..28
10. Мойқўрғон ариғи тарихи...30
11. Маҳалла фуқаролари тарихи....................................31
12. “Иброҳим ота” маҳалласидан Иккинчи жаҳон Урушига (1941-1945) кетганлар................................60
13. Маҳалладан чиққан олимлар....................................61
14. Якун..62
15. Адабиётлар...64

Муҳаррир: Феруза АХМЕДОВА, *Саҳифаловчи:* Элбек ЮСУПОВ
Техник муҳаррир: Иброҳим ТУРОБОВ

Босишга 02.05.2025 йилда рухсат этилди. Бичими 70х1001/16.
Нашр табоғи 3,0. Шартли босма тобоғи 4,0.
Офсет қоғоз. Адади 100 нусха. Буюртма № 122-15.
Баҳоси келишилган нархда.
«Perfekt print servic» МЧЖда чоп этилди.
Тошкент, Генерал Узоқов 2-уй.